Б.Ғ.Ҳ.Ҳ. Давлат китоб палатаси
2449

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ЎЙЛАБ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси бошқарувида "Болалар ҳуқуқи" тўғрисидаги конвенциядан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган матбуот йиғилиши бўлди. Жамғарма раиси И. Юсупова конвенциянинг мақсад-вазифалари тўғрисида маълумот берди.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА.

ҲАМКИШЛОҚЛАР ҚУВОНЧИ

САМАРҚАНД. Гўзалкент туманидаги Маматқул Эшбўриев номли жамоа хўжалигида бир йўла 50 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатадиган шифохона фаолият бошлади. Шифо маскани қурилишига 7 миллион 220 минг сўм сарфланди. Энди Қорасув, Машъал, Соҳилобод қишлоқлари аҳолиси шифо излаб туман марказига бориб юрмайдиган бўлишди.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

БЕРДАХНИ ЁД ЭТИБ

НУКУС. Қорақалпоқ фарзанди Бердах таваллудининг 170 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, маданият муассасаларида шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Маданият саройлари ва клубларда ижодкорнинг китоблари кўргазмаси ташкил қилинган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

БОҒДОДЛИК ИҚТИДОРЛИЛАР

ФАРҒОНА. Республика "Камолот" жамғармаси Боғдод туман бўлими ёш рассом, наққош ва ўймакор усталар ўртасида кўрик-танлов ўтказди. Танловда мусаввир Иқболжон Исмоиловнинг асарлари, Баҳриддин Убайдуллаевнинг нақшлари,Зокиржон Бобоевнинг ёғоч ўймакорлиги асарлари юқори баҳоланди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 15 апрель, сешанба № 45 (22.129).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Яқинда Пахтачи тумани меҳнат биржаси «Камолот» ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда ёшлар учун иш ўрни яратиш, касбга ўқитиш, бозор муносабатлари шароитида ташқилотларга мутахассисликлари бўйича ўқув қуроллари ташкил этиш мақсадида меҳнат ярмаркасини ўтказди. Ярмаркага иш сўраб 117 киши мурожаат қилди ва уларнинг 21 нафари ишга жойлаштирилди. 40 нафар йигит-қиз касб ўрганиш учун қайта ўқишга йўлланмалар олди.

(Ўз мухбиримиздан).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Америка бизнесменлари вакиллари кеча Сахалинга етиб келишди.*

***

☑ *Италия мудофаа вазири қисқа муддатли ташриф билан Альбанияга келди. Альбанияга юборилган кўп миллатли Европа кучлари ўз-ўзларини ҳимоя қилиш учун ўт очиш қуролларидан фойдаланиши мумкин. Бу ҳақда Италия мудофаа вазири Беньямино Андреатта Тиранага ташрифи пайтида айтди.*

***

☑ *Кот-д'Ивуар Республикасининг пойтахти аэропортига қўнаётган пайтида Аккрадан учиб келаётган самолёт ҳалокатга учради. Унинг бортида 97 йўловчи ва 8 экипаж аъзоси бор эди. Ҳеч ким қурбон бўлмади. Фақат 30 киши яраланди.*

***

☑ *Жаҳон банки Россиядаги ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларига яқин миқдорда маблағ ажратишга қарор қилди.*

***

☑ *Иорданиядаги шифохоналардан бирида Саддам Хусайннинг ўғли ўта мураккаб хирургик операция қилинади.*

***

☑ *Покистонда яна бир террорчилик ҳаракат амалга оширилди. Бунинг натижасида бир киши ҳалок бўлди ва 8 киши оғир ярадор бўлди.*

***

☑ *Европа Иттифоқи ва АҚШ Хельмс-Бэртоннинг Кубага қарши қонуни билан боғлиқ келишмовчиликларни бартараф этишга киришдилар.*

***

☑ *Ганновер шаҳрида йиллик саноат ярмаркаси очилди. Бу ярмаркада бошқа мамлакатлар қатори Россия вакиллари ҳам иштирок этади.*

***

☑ *Чечеристон Республикаси Президенти Аслан Масхадов ҳаж сафарида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Чечеристон ҳукумати Бош вазирининг биринчи ўринбосари Мовлади Удугов ва Президентнинг матбуот хизмати раҳбари ҳам у билан жўнаб кетишди. Масхадовнинг айтишига кўра, у Саудия Арабистонида қатор мусулмон мамлакатларининг раҳбарлари билан учрашиб, уларни Чеченистонга моддий ва маънавий ёрдам беришга чақирмоқчи.*

ЎЗБЕКНИНГ БОЛАЛАРИ.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ»

Ўзбекистон оммавий ахборот воситларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди «Наврўз — боқий байрам» танловига тақдим этилган ижодий ишларни кўриб чиқиб ғолибларни аниқлади.

— **«Халқ сўзи»** газетаси таҳририяти Наврўз байрамини энг яхши ёритган таҳририят деб топилди.

«Энг яхши мақола учун» биринчи мукофот:

— **Азим СУЮН**га — «Наврўз гавҳарлари» («Ўзбекистон овози») мақоласи учун.

Иккинчи мукофот:

— **Ғуломхон ҒАФУРОВ**га — «Халқ сўзи», «Маҳалла», «Соҳибқирон юлдузи», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида эълон қилинган Наврўз мавзуидаги туркум мақолалари учун.

— **Кабир ХУДОЙБЕРГАНОВ, Шуҳрат РАҲИМОВ, Абдуҳолиқ МАМАРАИМОВ**га — Ўзбекистон радиоси орқали Наврўз кунлари эфирга узатилган туркум эшиттиришлари учун.

Учинчи мукофот:

— **Гулчехра ЖАМИЛОВА**га — «Сумалак сузинг, момо» («Халқ сўзи») мақоласи ва «Оила ва жамият» газетасида эълон қилинган материаллари учун.

— **Абдувоҳид ТЎРАЕВ**га — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири, республика Марказий газеталарида эълон қилинган туркум суратлари учун.

Кутлибека РАҲИМБОЕВАга — «Яхши кунлар келди» мақоласи («Ҳуррият»), «Шахс ва дунё» («Осиё бозори») Наврўзга бағишланган материаллари учун берилди.

Танлов ҳайъати Наврўз айёмини ёритишда ва танловда иштирок этишда алоҳида фаоллиги учун Ўзбекистон телерадиокомпаниясини, «Овози тожик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тонг юлдузи», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», «Андижоннома», «Самарқанд», «Навоий овози», «Хева тонги», «Янгиер тонги», «Янгиерские зори», «Паркент тонги», Китоб туманининг «Ғалаба», Фарғона туманининг «Шонли меҳнат» таҳририятларини махсус дипломлар билан тақдирлашга қарор қилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 15 апрелидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,33
1 Австрия шиллинги	4,89
1 Англия фунт стерлинги	96,27
10 Бельгия франки	16,67
1 Голландия гульдени	30,60
10 Греция драхмаси	2,19
1 Дания кронаси	9,03
1 БАА дирхами	16,09
1 АҚШ доллари	59,10
1 Миср фунти	17,44
1 Ирландия фунти	91,69
1 Исландия кронаси	0,83
10 Испания песети	4,08
100 Италия лираси	3,49
1 Канада доллари	42,31
1 Хитой юани	7,12
1 Кувайт динори	194,43
100 Ливан фунти	3,84
1 Малайзия рингити	23,58
1 Германия маркаси	34,39
1 Норвегия кронаси	8,50
1 Польша злотийси	18,96
10 Португалия эскудоси	3,44
1 Сингапур доллари	41,08
1000 Туркия лираси	0,45
1 Финляндия маркаси	11,52
1 Франция франки	10,22
1 Швеция кронаси	7,73
1 Швейцария франки	40,51
1 ЭКЮ	67,17
10 Жанубий Корея вони	0,66
10 Япония иенаси	4,68
1000 Россия рубли	10,29
1 Украина гривнаси	31,98
1000 Беларусь рубли	2,28
1 Эстония кронаси	4,66
1 Латвия лати	101,03
1 Литва лити	14,78
1 Қозоғистон тенгеси	0,78
1 Қирғизистон соми	3,28

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Далил ва таҳлил

«САНТА-ГЕРТРУДА» ДОВРУҒИ ТИКЛАНАДИМИ?

Дунёнинг қайси машҳур жойи бўлса, уни машҳур қилган нимасидир бор. Қува-анорига, Наманган гуллари билан, Фориш-сур терилари-ю, қора майизлари билан машҳур. Бахмални юртга танитган нарса келинчак яноғидай қип-қизил олмалари ва ўзига хос табиатидир. 70-йилларда Бахмалнинг шуҳрати «Санта-Гертруда» зотли моллари билан янада ошди. 1967 йилда узоқ Америка қитъасининг Техас штатидан келтирилиб, иқлимлаштирилган бу сергўшт моллар Бахмалнинг шуҳратига шуҳрат қўшибгина қолмай, Узбекистон чорвачилигида гўшт етиштиришнинг янги йўналишини бошлаб берди. Шунинг учун туманнинг ана шу моллар боқилаётган «Бахмал» хўжалиги Узбекистон Фанлар академияси чорвачилик илмий текшириш институтининг наслчилик хўжалигига айлантирилган эди.

Бахмалнинг салқин ёзи, серут яйловлари мос келиб, келтирилган молларнинг тез семириши дастлабки йилларданоқ маълум бўлиб қолди. 1980 йилга келиб бу моллар сони 1000 тага етди. Ўша йилларда уларнинг суткалик семириши 600-700 граммни ташкил этарди.

Бу ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ажойиб раҳбари Абдувоҳид Усанов 1981 йил «Совет Узбекистони» (ҳозирги «Узбекистон овози») газетасининг 14 январь сонида босилган мақоласида шундай дейди:

«Совхозимиз чорвадорлари 1985 йилга бориб 2 минг тонна гўшт тайёрлайдилар. Бунинг учун қорамоллар сонини 12 минг бошга етказадилар. Совхозимизда энг кўп гўшт берадиган «Санта — Гертруда» зотли моллар ҳозиргига нисбатан деярли уч баробар кўпайтирилади».

Энди булар тарихга айланди. Ҳаёт, бугунги кун бу ерда ҳам узининг янги мезонлари, янги талаблар билан кечаётир.

Қишлоқ хўжалигини қамраб олган қийинчиликлар, муаммолар бу хўжаликни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Утган йили хўжаликда моллар бош сони 1995 йилга нисбатан 841 бошга камайиб кетди. Жумладан, зотдор «Санта-Гертруда» ҳам камайди. Ҳозир хўжаликда жами 610 бош соф зотли «Санта-Гертруда» боқилмоқда. Шундан 216 боши сигир. Эндиликда хўжалик чорвачилик илмий марказининг уруғчилик хўжалигига айлантирилди. Демак, хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий йўналиши галла уруғи етиштириш.

— Йўқ, — деб қатъий эътироз билдиришди хўжалик раҳбарлари. —Гарчи хўжалик галла уруғчилиги мақомини олган бўлса-да, бу чорвачиликни, хусусан, наслли чорвачиликни иккинчи ўринга суриб қўйиш эмас, аксинча унинг ем-хашак билан таъминланишини яхшилашдир.

Гўшт етиштиришда ўзига хос йўналишга эга бўлган республиканинг донгдор чорвачилик хўжалиги бирданига уруғчиликка ихтисослаштирилганлиги кишини ўйлантиради албатта. Бироқ, хўжаликнинг кейинги беш-олти йилдаги фаолияти билан чуқурроқ танишгач, буни тушуниб етиш қийин эмас. Хўжалик ишлаб чиқариши кейинги йилларда жиддий орқага кетди. Ишлаб чиқаришдан фойда ўрнига катта-катта зарар кела бошлади. Кейин моллар бош сонларининг камайишига навбат етиб келди. Раҳматли Абдувоҳид Усановдан кейин бу ерга келган раҳбарлар бир-икки йилдан ортиқ ишламади. Лекин ҳар бири ўзидан кейин минг-минглаб қарз, зарар ва «еб қўйди», «ичиб қўйди» деган кўплаб миш-мишларни қолдириб кетишди. Хўжалик ўтган 1996 йилни ҳам «салмоқлигина» зарар билан якунлади. Хўжаликнинг ҳозирги раҳбарлари барчаси ёш, ишга янги келган одамлар. Хўжалик раҳбари Акрам Раҳмонқулов, бош зоотехник Салоҳиддин Умурзоқов, бош ветврач Абдумумин Абдувалиев — ҳаммаларининг иш бошлаганига олти ой — бир йил атрофида вақт ўтди. Ҳаммаси ёш, ишни ўнглайди, хўжаликни қолоқликботқоғидан чиқаради деган умидда қўйилган. Олдингиларнинг гуноҳлари учун уларга бир нарса дейиш қийин. Олдингилар эса... Йўқ, мақсадимиз кимларнингдир айбини очиш эмас.

Шу ўринда кишида таскин ва умид уйғотадиган асосий нарсалар сақланиб қолганлигини айтиб ўтиш керак. Ҳозир хўжаликда ўша дастлаб узоқ Америкадан келтирилган «Санта-Гертруда»нинг бузилмаган зотлари боқилмоқда. Ем етишмаслигидан, емишнинг тўйимли эмаслигидан ўзимизнинг жайдари моллар қатори боқилаётган бўлса-да, ҳар ҳолда улар бор. Демак, наслчиликнинг асоси сақлаб қолинган. Шунинг ўзи катта ютуқ.

Яна бир муҳим омил, бир пайтлар Абдувоҳид Усанов билан бирга тер тўккан, хўжаликни машъал хўжаликка айлантирган, ҳар бир бузоқнинг яшаб қолиши учун керак бўлса, кечалари мижжа қоқмай чиққан одамлар — Абдувоҳид Усановнинг сафдошлари, шогирдлари, фарзандлари шу ерда меҳнат қилишмоқда. Абдувоҳид ака бошлаб кетган ишни давом эттиришмоқда. Бурдоқичилик мажмуининг, озуқа цехининг ҳали бутунлай бузилиб кетмаганлиги, «Санта-Гертруда» зотининг сақлаб қолинганлиги шуларнинг меҳнатидир. Демак, ҳаммаси йўқотилмаган, ишни ўнглаш учун, хўжаликни яна юртимизнинг йирик гўшт фабрикасига айлантириш учун имкониятлар ҳам сақланиб турибди. Боқиқа муаммоларни эса ҳал этса бўлади.

— Асосий муаммо ем етмаслигидир, — дейди хўжалик раҳбари А. Раҳмонқулов. — Хўжаликнинг галла уруғчилигига ихтисослаштирилганида, аввало емнинг ўзимиздан чиқишини назарда тутдик. Бу йил юқори идораларнинг ёрдами билан 300 тоннадан зиёдроқ ем ундиришга муваффақ бўлдик, лекин бу етарли эмас.

Хўжалик раҳбарлари-ю, мутахассислари ва барча чорвадорларнинг шу кунлардаги бутун ташвиши моллар нобудгарчилигига йўл қўймаслик ва кўпайтиришга қаратилганлиги. Хўжаликнинг наслчилик зоотехниги Исмат ака Иброҳимов ўз ишининг катта билимдони, дастлаб Абдувоҳид ака билан ишлаганлардан бири. Исмат ака хўжаликдаги ҳар бир молни, ҳар бир чорвачилик тадбирини миридан сиригача билади. Исмат ака билан узоқ суҳбат чоғида биз шуни англадикки, чорвачилик бўйича бу ерда илм ва тажрибанинг бирлиги, одамлардаги илмга ва ишга фидоийлик ҳамон барқарор. Шунинг ўзи катта бойлик.

Ҳа, бугунги мақсад нима бўлса-да, молларнинг бош сонларини сақлаб қолиш. Эндиликда хўжалик чорвадорлари гўшт етиштиришдан кўра, республика хўжаликларига наслли мол етказиб бериш иқтисодий жиҳатдан бир неча марта самаралидир, деган хулосага келганлар.

— Биз асосий фаолиятимизни шу йўналишда олиб бориш тадбирларини амалга оширяпмиз, — дейди А. Раҳмонқулов, — «Санта—Гертруда»га бўлган қизиқиш республикамизда кучли. Агар молларнинг боқувини яхшилаб, уни белгиланган стандартларга етказсак, хорижга валютага сотиш имконияти ҳам йўқ эмас. Ахир уларнинг ҳар бири 1,2—1,5 тонна гўшт беради.

— Буни амалга ошириш учун нима қилиш керак?

— Ҳозир хўжалик чорвадорлари ўз кучи билан қилаётган ишларнинг барчаси наслли молларни сақлаб қолишга етади, холос, — дейди вилоят наслчилик бирлашмаси бошлиғи Келдиёр Алиев. — Кўпчилик хўжаликларига тааллуқлидир.

— Бахмал наслчилигининг ўзига хос томонлари ҳам борки, — дейди фикрини давом эттириб К. Алиев, — бу аввало, «Санта—Гертруда» зотининг имкониятлари гоят катталигидир. Агар ем масаласи ҳал этиладиган бўлса, келажакда фақат республикамиз вилоятларига эмас, чет мамлакатларга ҳам бу моллари «Кимошди»га қўйиб сотиш мумкин. Бунинг учун молларнинг вазни белгиланган стандартларга етказилиши керак.

Халқимизда «Деҳқончилик бир йилда, чорвачилик ун йилда», деган гап бор. Айниқса, илмий хўжаликдаги чорвачиликка сарфланган маблағ дарҳол самара бериши қийин. Шунинг учун ҳам хўжаликка узоқ муддатли ва имтиёзли кредит керак.

Фақат Бахмалнинтина эмас, республикамиз чорвачилигининг фахри бўлган «Санта—Гертруда»нинг шуҳратини қайта тиклаш мумкин ва зарур эканлигига шубҳа йўқ. Бахмаллиқ Абдувоҳид аканинг издошлари ва шогирдларининг орзу-армонлари ҳам шу. Уларнинг бугунги меҳнатлари, ҳаракатлари, изланишлари шу мақсадга қаратилган. Агар юқорида тилга олинган муаммолар ечилса, бир вақтлардагидек Бахмалда фақат республика хўжаликларигагина эмас, балки, хорижга ҳам «Санта-Гертруда» зотли моллари етказиб берувчи хўжалик пайдо бўлса ажабмас.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

МАКТАБ, МАҲАЛЛА, МИЛИЦИЯ

ТОШКЕНТ. *Мирзо Улуғбек туманида ўтган йили балоғатга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича ибратли ишлар қилинганди. Хусусан, «Сен қонунни биласанми?» мавзусидаги савол-жавоб кечалари қизиқарли бўлган. Шу кунларда эса «Ўсмир» деб номланган ойлик тадбирда ўқитувчилар, тарбиячилар ҳамкорликда ёшларни соғлом ва баркамол бўлишлари йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Мактаб, маҳалла, милиция хизматчиларининг бу йўлдаги ҳамкорлиги самарали кечмоқда. Бу ишларда туман прокурори М. Мирзаев, ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш. Умарҳонов, халқ таълими бўлими мудири С. Нурмуҳамедов яқиндан кўмак беришмоқда.*

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Навоий вилояти нефть маҳсулотлари корхоналари бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ўктам РЎЗИҚУЛОВ билан суҳбат

— Сизнинг бошчилигингизда Навоий, Навбаҳор туманларида кўплаб маданий-маиший бинолар, турар-жой муассасалари бунёд этилди.

— Маълумки, навқирон Навоий вилояти республикамизнинг бошқа вилоятларидан фарқ қилади. Бунинг устига мазкур вилоятнинг учдан икки қисми асрий Қизилқум чўлларига тўғри келади. Вилоятда 4 та қоракўлчилик тумани бўлса, 4 та пахтачилик тумани ҳам мавжуд. Чўл туманларининг оралиқ масофаси 650-700 километрдан кам эмас. Шундай экан, ҳар куни озиқ-овқат сингари нефть маҳсулотлари ҳам керак.

Энди қисқача нефть маҳсулотлари корхонасининг қилинган ва қилинажак ишлари хусусида тўхталадиган бўлсам жуда қисқа вақт ичида биз кадрлар масаласини айтарли ҳал қилиб олдик. Чунки кадрлар, айниқса малакали мутахассис кадрлар жой-жойига қўйилмас экан, ишда суръат ҳам, сифат ҳам сезилмайди. 18 та ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини кимошди савдоси асосида сотиб, хусусийлаштирдик. Бу хайрли ишни бундан кейин ҳам давом эттираверамиз. Шунингдек, пуллик ва талонли ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини кўпайтириш, улар ишини замон талаблари даражасига кўтариш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширяпмиз.

Корхонамиз тасарруфида асосан давлат аҳамиятига молик бўлган ва нефть маҳсулотлари заҳираси сақланадиган 4 та йирик объект бўлиб, уларнинг ҳаммаси зарур асбоб-ускунага ва етук кадрларга эга. Булар асосан Навоий, Қизилтепа, Зарафшон ва Учқудуқ нефть маҳсулотлари базаларидир. Қатъий хатти-ҳаракатимиз туфайли яқинда Қизилтепа нефть базаси маъмурий биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёхуд Хатирчи тумани учун Оқтошда янги нефть маҳсулотлари базаси қурилиши жадал суръатда бошлаб юборилди. Мазкур қурилиш 1 сентябрь, республика Мустақиллигининг 6 йиллиги байрами арафасида ниҳоясига етказилади.

Юқорида қайд этганимиздек, вилоятнинг 4 та олис чўл туманлари қўйчиликка ихтисослашган. Бу дегани ўнлаб овул ва ўтовлар ҳалигача керосин ва солярка билан иситилади. Бунинг устига табиий газ етиб бормаган мактаб ва боғчалар, чўпон уйлари ҳам жуда кўп. Ана шуларни ҳисобга олиб, яқинда 120 тонна керосин олиб келиб, Қизилқум хўжаликларига тарқатдик. Шунингдек, кўчма ҳаракатдаги ёнилғи қуйиш, етказиш техникалари сонини икки бараварга оширдик. Бироқ ишимизни орқага тортадиган бирдан бир муаммо бу — жамоа хўжаликларининг иқтисодий заифлиги ва корхонамиздан катта миқдорда қарздорлигидир. Бу қарздорлик айбсиз айбдор сифатида бизни ҳам иқтисодий тангликка тортмоқда.

— Сиз кўп сонли сайловчилар вакилисиз. Депутат сифатидаги фаолиятингиз хусусида ҳам тўхталсангиз?

— Депутатлик боис доим одамлар орасида бўлишга, уларнинг дардига, ғам-ташвишига шерик бўлишга ҳаракат қиламан. Яна бир муҳим жиҳати мен депутат бўлиб сайланган Навбаҳор тумани янгидан ташкил этилганидир. Турғунлик, депсиниш йилларида бир неча бор ташкил этилиб, тарқатилиб келган мазкур туманда на автовокзал, на бир кинотеатр ва на бир истироҳат боғи бор. Оддий бир касалхонани олайлик. 120 ўринли туман марказий касалхонасини қуриш ва ишга тушириш учун кирмаган идорам, бормаган жойим қолмади. Худди шу ўринда Президентимизнинг аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги Фармони ижросини ҳам олайлик. Бу ўринда ҳам бизнинг туманимиз қолоқ. 130 минг аҳолиси бўлган бу туманнинг атиги 35 фоиз қишлоқлари газлашган холос. Ҳатто туман марказига ҳам ҳалигача табиий газ ва ичимлик сув етиб бормаган.

Худди шундай маданий-маиший муассасалар, савдо марказлари, замонавий бозор қурилиши ҳам оро йўлда.

Депутатлик фаолиятим, амалий ишлар хусусида ҳам фикр юритадиган бўлсам, кейинги 2 йил мобайнида тумандаги А. Навоий номли, «Зарафшон, «Янгиқўрғон» жамоа хўжаликлари айтарли газлаштириб бўлинди. Коражон, Бешрабод, Кесканчироқ қишлоқларининг ҳам юзлаб хонадонларида «зангори олов» гуруллади. Шунингдек, Фирдавсий номли, Охунбобоев номли ўрта мактабларнинг янги бинолари қурилиши ниҳоясига етди. Навбаҳор ва Хатирчи туманларининг «Қалқон — Зарафшон» оралиғидаги 70 км. масофа йўлни кенгайтириш ва сифатли асфальтлаш ишлари жадал бошлаб юборилди. Булардан ташқари «Учтут» жамоа хўжалигидаги ёдгорлик хотирагоҳи, «Ижанд» жамоа хўжалигидаги турар жой бинолари қурилиши ниҳоясига етди. Айниқса, Хатирчи туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги, бу хўжаликда истиқомат қилувчи 30 мингдан ошиқ аҳолининг турмуш тарзи менинг асосий диққат эътиборимда. Чунки бу ҳудуд аҳолиси ҳам менинг сайлов участкамга тегишли бўлиб, номзодим учун овоз беришган. Шундай экан, ишончга яраша ҳурмат, амалий кўмак қайтмоғи лозим.

Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Депутат минбари

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ШАРТНОМА ХЎЖАКЎРСИНГАМИ?

Газетанинг шу йил 14 январь сонида чоп этилган «Шартнома хўжакўрсингами?» сарлавҳали мақоласида кўрсатилган далиллар тўғрилиги аниқланиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Мақола Беруний тумани деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди ва кўрсатилган хато ва камчиликларни тузатиш бўйича тадбир қабул қилинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги деҳқон (фермер) хўжаликлари бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликларини қайта рўйхатдан ўтказади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи, муаммоларини ҳал қилувчи туманлар, вилоятлар ва республика шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Х. ИСКАНОВ.

«БАҲОНА КЎП»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 6 февраль сонида чоп этилган «Баҳона кўп» сарлавҳали мақола туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари, мутахассислари ҳамда хат муаллифлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокамада иш ҳақи ва нафақаларни мунтазам бериб бориш учун иш ҳақи натура ҳолда ва пахта ёғи ҳисобидан, бундан ташқари уюшма ҳисоб рақамига пул тушганда бериб борилаётганлиги тушунтирилди.

Ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича 1996 йил пахта хом ашёси пули уюшма ҳисобига тушган ва ишчиларга берилмоқда. Лекин 1996 хўжалик йилида 3-бригада бошоқли дон режасини 50 фоиз, пахта етиштириш режасини 58 фоиз бажарганликлари сабабли бригада аъзоларига иш ҳақини вақтида тўлиқ бериш имконияти бўлмади. Шу йил 20 февралга ариза хат ёзган 6-ширкатнинг 3-бригадаси аъзоларининг иш ҳақларидан қарзи тўлалигича тўлаб бўлинган. Уюшмада имкониятларни ҳисобга олиб, иш ҳақи ва нафақаларни вақтида бериб бориш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Фарғона вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Б. ХОЛМИРЗАЕВ.

«САВОБ ҲАМ КЕРАК-КУ!»

Республика «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмаси «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 18 февраль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақоласини ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, шуни маълум қилади: Бухоро вилоятининг Олот тумани «Денов» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи бемор Т. Бобоқуловнинг имтиёзли равишда дори-дармонлар олиши масаласи Олот тумани ҳокими муовини К. Ҳожиев, вилоят «Дори-дармон» давлат акционерлик бирлашмаси раиси муовини Э. Янгиев, Олот тумани марказий шифохонаси бош ҳакими А. Чориев, туман давлат акционерлик дорихонаси мудири Т. Худоёрова, бемор Т. Бобоқулов иштирокида кўриб чиқилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 15-сонли қарорининг 2-иловасига асосан қандли диабет касаллигини даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар билан беморлар мулкчилик туридан қатъи назар яшаш жойларидаги барча дорихоналардан бепул таъминландилар. Бемор Т. Бобоқуловга «трентал» дориси қандли диабет касаллигини даволашда ишлатиладиган дорилар гуруҳига кирмаслиги суҳбат чоғида тушунтирилди.

Ҳозирги кунда Т. Бобоқуловни шифокор дориномасига асосан керакли дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлаб туриш учун Олот тумани марказий дорихонасига бириктирилди.

Бошқарув раиси Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

«ҲОКИМ КЕТДИ, ҚИЛИҒИ ҚОЛДИ»

Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1996 йил 26 декабрь сонида чоп этилган «Ҳоким кетди, қилиғи қолди» сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди. Ўтказилган текширишда қуйидагилар аниқланди:

Мақолада номи зикр этилган тадбиркор Ўктам Эргашев, ҳақиқатдан ҳам Қобул Миржалилов билан шерикликда 42-сонли АЁҚШни «Ким ошди» савдосида қатнашиш учун сотиш нархининг 10 фоизини тўлаб қўйганлигини, кейин «Ким ошди» савдоси бошланишидан илгари 42-сонли АЁҚШнинг нархи юқори бўлиб, шу тўлаган 10 фоиз пули етмаганлигини эътиборга олиб, нархи арзонроқ бўлган 19-АЁҚШни сотиб олишганлигини, уларга ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, Ф. Қутбиддиновни умуман танимаслигини, Х. Акбаров, П. Қаршибоев ва Ж. Тошматовлар шошилиб, ўзларининг ички эҳтиросларига берилиб, газетага мақола бериб юборишганлиги ҳақида тушунтириш берди. Бу фактларни Қ. Миржалилов ҳам ўз тушунтиришида тасдиқлади.

Мақола муаллифларидан бири Х. Акбаров, бизлар 42-сонли АЁҚШда ишлар эдик, 42-сонли АЁҚШни сотиб олиш учун пулимиз бўлмаганидан Қобул Миржалиловдан илтимос қилдик. У эса Ў. Эргашев билан келишиб, 42-сонли АЁҚШни сотиб олишмоқчи бўлишди. Бизлар ҳам бирга ишлашга келишдик, лекин «Ким ошди» савдосида бўлишига 2-3 кун қолганида Қ. Миржалилов 42-сонли АЁҚШни сотиб олмаймиз, уни ҳокимнинг қариндоши олар экан, деб айтди. Ҳақиқатдан ҳам Марат Ғерфанов деган киши «Ким ошди» савдосида 42-сонли АЁҚШни сотиб олди. Биз Қ. Миржалиловнинг гапига ишониб, вилоят ҳокими аралашиб қариндошига 42-сонли АЁҚШни сотиб олиб берибди, деб ўйлабмиз. Прокуратура текширувидан билдикки, Ў. Эргашев ва Қ. Миржалиловларнинг пули етмаганлиги сабабли арзонроқ бўлган 19-АЁҚШни сотиб олишган экан, деб тушунтириш берди. Мақола муаллифларининг бошқалари ҳам шундай мазмунда тушунтириш бердилар.

Сирдарё вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Х. ПЎЛАТОВ.

Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан

«ТАНГРИ ЖАМОЛИ»

Бухоро тарихи тўғрисида сўз юртилар экан, шубҳасиз, аввало унинг беқиёс меъморий обидалари-ю миришкор шаҳар аҳли ҳунармандларининг ақл-заковати, куч-ғайрати билан қад кўтарган сергузар шарқона Бухоро шаҳри киши кўзи олдида гавдаланади.

Хўш, Бухоро Шарқнинг оламга донғи таралган энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланган. Кўҳна шаҳарга нима сабабдан «Бухоро» деб ном берилган? Бу атама қандай маънони англатади? Қадимда Бухоро яна қандай номлар билан юритилган? Манбаларда бу ҳақда нималар ёзилган? Бухоронинг қадимий номларини этимология жиҳатдан қандай талқин этиш мумкин, деган саволлар шубҳасиз кўпчиликни қизиқтиради.

Бухоронинг ўтмишдаги ҳаёти, ҳукмдорлари тўғрисидаги, қисқача бўлсада бирмунча аниқроқ маълумотлар, илк ўрта аср Хитой манбаларида келтирилади. Уларда Бухоронинг ўндан ортиқ атамалари: Ан, Анси, Анго, Нюме, Бўхо, Буху, Бухэ, Бухаэр, Бухуаэр, Бухуала, Фухо, Пухала ва бошқалар тилга олинади. Бу атамалардан аввалги учтаси, шубҳасиз, Бухоронинг хитойча номлари бўлса, қолганлари ушбу номнинг Хитойча турли хил талаффуз этилишидан келиб чиққан атамалардир. Қизиғи шундаки, бу номлар остида, одатда ҳокимият ёки ўлка ҳамда шу ҳокимиятнинг пойтахти ҳисобланган марказий шаҳар тасвирланади. Масалан, Ан ёки Бухо ҳокимияти илк ўрта асарларда Нюми номи билан машҳур бўлиб, унинг пойтахти ҳам шу ном билан юритилган. Нюмидан 100 ли (50 км) шимоли-шарқда Шарқий Ан ва шунча масофада жанубий-ғарбда эса Би (Пойканд) шаҳри жойлашган. Ҳукмдорларининг қароргоҳи Аланми (Ромитан) шаҳрида бўлган. Бу давлатнинг ғарбий чегараси Уху (Амударё) соҳилларига бориб тақалган. Вилоятда 40 та йирик шаҳар ва мингдан ортиқ майда истеҳкомлар бўлиб, бақувват ва довюрак йигитларгина чокар (аскар)ликка ёллаб олинган.

Нюми давлатининг пойтахти Сиван Цзин (Самарқанд)дан ғарбда, Нами (Зарафшон) дарёсининг жанубида жойлашган. Шаҳар беш қатор девор ва оқар сувли хандақлар билан ўралган. Сарой иморатларининг томлари эса текис қилиб ёпилган.

Демак, Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, мелодий V-VII асрларда Зарафшон дарёси Нами деб юритилиб, унинг қуйи қисмига жойлашган давлат эса, Нюми деб аталган. Бу ҳокимиятнинг пойтахти ҳам Нюми номи билан юритилиб, у алоҳида-алоҳида махсус мудофаа деворлари билан ўралган бешта истеҳкомли қалъалардан иборат бўлган. Шаҳар яқинидан оқиб ўтган сув йўллари хандақ вазифасини ўтаган.

Ўрта асрнинг арабнавис муаллифлари асарларида Бухоронинг бу машҳур номидан ташқари унинг Нумижкат, Бумискат, Мадинат ус-суфрия, Маданиат ут-тужжор, Фориха каби қатор атамалари келтирилади. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, ўша вақтларда Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга бўлмаган.

Ўрта аср манбаларида келтирилган тафсилотларга қараганда, Бухоро ва Нумижкат аввалда бири иккинчисига яқин жойлашган икки алоҳида шаҳарлар бўлган. VIII асрда Муқанна қўзғалони даврида ҳам бу икки шаҳарнинг мустақиллиги, ҳатто 775 йилда қўзғолончи-оқ кийимларнинг Нумижкатга бостириб кириб, уни ишғол этгани ҳақида ҳикоя қилинади. Сўнг вақт ўтиши билан Бухоро ва Нумижкат майдонлари кенгайиб, улар бир-бирига қўшилиб кетган. Номларидан бири шуҳрат топиб, иккинчиси эса тарихдагина сақланиб, муомаладан тушиб қолган.

Шундай қилиб, ўрта аср арабнавис муаллифлар асарларида Бухоро даставвал бир-бирига яқин жойлашган иккита мустақил қалъа сифатида қад кўтарган. Улардан бири Нумижкат ва иккинчиси Бухоро номи билан юритилиб, кейинчалик улар бирлашиб ягона шаҳарга айланган.

Шуниси эътиборлики, илк ўрта асрлардаги Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси тўғрисида Хитой солномалари ҳамда арабнавис муаллифлар асарларида келтирилган маълумотлар Бухоро шаҳрида ўтказилаётган археологик тадқиқотларда ҳам маълум даражада ўз тасдиғини топмоқда. Бухоронинг эски шаҳар қисмида алоҳида - алоҳида жойлашган истеҳкомли икки шаҳристон (ички шаҳар) ва куҳандиздан (арк) иборат илк ўрта асрнинг учта қалъа ҳаробаларининг кавлаб очилиши бунинг ёрқин далили бўлди.

Хўш, Бухоро шаҳрининг бу қадимий номлари қандай маъноларни англатади? Бухоро номлари этимологияси устида сўз юритилар экан, аввало шуни таъкидлаш керакки, шаҳар қадимий номларининг аксарияти ажойиб ўлканинг ё табиати, ё иншооти, ёки аҳолисининг ўтмиш эътиқодига монанддир. Дарҳақиқат, Бухоро топонимларидан бирининг негизида шаҳар қад кўтарган даврда Зарафшон ерлари табиатининг қадимий сифатлари яширинган бўлиб, бу ёзма манбаларда келтирилган вилоят тўғрисидаги тафсилотларга ҳамоҳанг бўлса, бошқасида ўлканинг ўзлаштирилиб обод этилишидаги тарихий манзара инъикоси маълум даражада ўз ифодасини топган. Шунга кўра, Бухоро шаҳрининг қадимги номлари этимологиясини таҳлил қилиб унга яширинган маънони аниқлаш ўлка ўтмишининг ҳам табиий, ҳам тарихий манзарасини тиклашда тадқиқотчиларга маълум даражада кўмаклашади.

Бухоронинг қадимги номлари тўғрисида арабнавис муаллифлар келтирган маълумотлар тўғрисида эса шуни айтиш мумкин, улар маъноси жиҳатидан икки турдаги — маҳаллий аҳоли ҳамда ажнабийлар томонидан берилган номлар келтирилади. Жумладан Бухоронинг «Мадинат ус-суфрия», «Мадинат ут-тужжор» ва «Фохира» каби атамалари араблар томонидан берилган номлардан бўлиб, улардан биринчиси «Мис шаҳар», яъни «мисдан бино қилинган шаҳар», иккинчиси «Савдогарлар шаҳри», учинчиси эса «Фахрли шаҳар» деган маънони англатади.

Бухоро шаҳри қалъа деворларининг мудофаа жиҳатдан ниҳоятда мустаҳкам қурилгани туфайли, у «Мисдан қуйилган қўрғон» ёки «мисдан ясалган истеҳком»га рамзий қиёс қилиниб унга «Мис шаҳар» маъносини англатувчи «Мадинат ус-суфрия» атамаси берилган. Шунингдек, Бухоронинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини, Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган машҳур «Буюк ипак йўли» устида жойлашган, аҳолисининг мулкдор табақасининг каттагина қисми кашкашон, — савдогарлардан бўлиб, бу карвон йўли орқали халқаро савдода фаол қатнашгани сабабли шаҳар «Мадинат ут-тужжор» яъни «Савдогарлар шаҳри» деган сифатлари билан ҳам шуҳрат топган. Фохира атамаси эса Муҳаммад Наршахийнинг тафсилоти бўйича, унга ислом динининг барқарорлиги йўлида азият чеккан шаҳидлар шарофатига нисбат қилиб берилган маҳаллий атамалардан ҳисобланади. Бу номларнинг биринчиси аслида Навмичкат бўлиб, у учта форс-тожикча «нав» — янги, суғдийча «мич» — қалъа, истеҳком ва «кат» — қишлоқ каби сўзлар бирикмасидан ташкил топган. У «Янги қалъа», «Янгиқўрғон» ва «Янги истеҳкомли қишлоқ» маъноларини англатади. Хитой манбаларида келтирилган «Нюми» атамаси эса, «Навмич» сўзидан олинган, у хитойча талаффуздан келиб чиққан бўлиб «янги қалъа» маъносини англатади.

Навмичкат атамасида «янги» маъносини англатувчи «нав» сўзининг қўшилиб ёзилишига қараганда, «Нумичкат» ва «Бумискат» шаҳар девори ёки унга ёнма-ён яна бир қалъа қайта қурилгандан сўнг, унга янгитдан берилган сўнгги номлардан эканидан далолат беради. У вақтда шаҳар қалъасининг кўҳна номлари қам бўлиши керак. Бухоро урбанимларидан маълум бўлишича, шаҳар кўҳна қалъаларидан бирининг номи «Фаровиз» деб юритилган. Бу атама Бухоро бўзчи ва косибларининг пири Бобойи Порадўз мақбараси ҳамда Шаҳруд каналининг шохобларидан бири «Фарова ус — суфло» номлари орқали бизгача етиб келган. Аслида қўҳна қалъанинг номи «Фаробдиз» бўлиб, у сўғдийча «Фароб» яъни сув бўйи ҳамда «диз», яъни «қалъа» сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган. У «сув бўйидаги, ёки дарё соҳилидаги қалъа» маъносини англатади.

Муҳаммад Наршахий Мавароуннаҳрнинг жанубий дарвозаси ҳисобланган бу шаҳарнинг турли атамаларини тилга олар экан, «Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан ҳам машҳурроқдир», деб ёзади. Чунки бу ном ўлка номи ҳамда унда қад кўтарган шаҳар номи бўлиб шуҳрат топган.

Бухоро номининг маъноси тўғрисида сўз юритар экан, академик В. В. Бартольд санскритча «вихара» сўзининг турку-муғулча «бухор» шаклидан келиб чиққан бўлиши мумкин, деган тахминни айтади. «Бухор» сўзи эса «ибодатхона» маъносини англатади, деб ёзади. Бизнинг фикримизча эса Бухоро номи суғдийча икки «буғ ёки баг», яъни «тангри» (худо) ҳамда «оро», яъни, чирой (жило, ҳусн, жамол) маъносини англатувчи сўзлардан ташкил топган. Бу маъно Наршахийнинг Бухоро воҳаси қадимги табиати тўғрисидаги тафсилотига ҳам ҳамоҳанг бўлиб, у «тангри жилоси» ёки «тангри жамоли» маъносини англатган. Дарҳақиқат, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимига жойлашган Бухоро ва унинг обидалари, Наршахийнинг тафсилоти бўйича, қадимда ниҳоятда хушманзара бўлган, оқар сувлари, кўкаламзор, қалин дарахтзорлари ва чакалакзорлари бўлган. Ўша замонларда Зарафшон дарёси ва унинг қуйи тармоқларининг тошқин сувларидан қатор кўллар, кўлмаклар ва ботқоқликлар ҳосил бўлган, ҳатто ҳозирги Қоракўл ва Олот туманлари ерлари улкан кўл остида бўлган экан. Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўл «Бухайрайи Сомжан», «Баҳр ул-Бухоро» (Бухоро денгизи»), «Боргини Фарроҳ» (Кенг ҳовуз»), «Мавозаи Бойқанд» (Бойқанд яқинидаги кўл») каби бир нечта атамалар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ёки «Қоракўл» деб юритишган. Бу кўлнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 20 фарсанг, яъни 120-140 км. га тенг бўлган. Бухоро денгизи ва Бойкандкўл номлари билан шуҳрат топган бу кўлнинг шимолий қирғоғи Шибурдонота баландликларига, Замонбобо адирликлари туташиб кетган жануби Денгизкўлнинг жанубий соҳиллари, шарқийси Пойканд — Тайқир қирлари орқали Қарши даштига, ғарбий қирғоғи эса Олот текисликлари орқали Урганжий даштига, Қизилқумга туташиб кетган. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, бу кўл сув жониворларига ниҳоятда бой бўлиб, бутун Хуросон музофотида бу ердигидек кўп миқдорда парранда ва балиқлар тутилмаган.

Бухоро воҳасининг қадимги табиати тўғрисидаги Наршахийнинг бу тафсилоти вилоятда олиб борилган археологик қазишмалар вақтида ковлаб очилган осори-атиқаларда ҳам маълум даражада ўз ифодасини топди. Дарҳақиқат, бу ўлканинг қадимги хушманзара табиати, оқар сувларга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ниҳоятда бойлиги — унинг «Бухоро» деб аталиши билан ҳамоҳанг бўлиб, бу ном маъносида «Тангри жамоли» ёки «Табиат жилоси» каби сифатлар яширинган.

Шундай қилиб, Бухоро шаҳри қадимда Зарафшон дарёсининг қуйи тармоғи — Зарируд бўйида ниҳоятда хушманзара музофотда бири-бирига яқин жойлашган бир нечта қалъа шаклида пайдо бўлган. Бу қалъалардан энг қадимгиси Фаробдиз, икинчиси Навмичкат ёки Бумичкас ва учинчиси Бухоро номлари билан юритилган. Кейинчалик бир-бирига қарама-қарши жойлашган бу уч қалъа туташиб, ягона шаҳарга айланган ва Бухоро номи билан шуҳрат топган.

VIII асрдан бошлаб Бухоро, Араб халифалиги томонидан забт этилгач, у арабларнинг Мовароуннаҳрни ички вилоятлари томон қилган фатҳларида дастлабки таянч манзилгоҳи сифатида хизмат қилибгина қолмай, балки янги эътиқод-исломни тарғиб қилиш ва қарор топиш йўлида ҳам муҳим роль ўйнади. Бу шаҳардан исломият ва ҳадис илмларининг йирик тарғиботчилари ва муаллифлари етишиб чиқади. Ислом ҳуқуқшунослигининг Бухоро мактаби ташкил топади. Бухоронинг ислом дини, мусулмон ахлоқи, маданияти ва ҳуқуқшунослигининг Шарқдаги кучли марказларидан бирига айланиши туфайли унга IX аср бошларидаёқ «Қуббат ул-Ислом» ,, «Ислом дининнинг гумбази» деган сифат ҳам берилади. Наршахийнинг гувоҳлик беришига қараганда, машҳур фиқҳшунос олим Хожи имом Абу ҳафс Кабир Бухорий туфайли Бухоро «Қуббат ул-Ислом» деб аталган. Бухоро аҳолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг тарқалиши ва имомлар, уламоларнинг ҳурматли бўлишларига у киши сабаб бўлган». Бухоролик бу фақиҳи олий 832 йилда вафот этган.

Ўрта асрларда Бухоро фақат исломиятдагина эмас, балки илму маърифат ва маданият тарқатишда ҳам Мовароуннаҳрда йирик марказ сифатида шуҳрат топди. Шу сабабли унга кейинчалик яна бир сифат — «Шариф» сўзи қўшилиб, у «Бухоройи Шариф» яъни «Шарофатли Бухоро» номи билан юритиладиган бўлди. Бухоро ҳукмрдорлари томонидан «Зарби Бухорий Шариф» яъни «Бухоройи шарифда сўқилган» деб битилган тамғалар билан олтин ва кумуш тангалар ҳамда мис чақалар зарб қилинади.

Дарҳақиқат, бу қўҳна ва шарофатли Бухоро шаҳрида турли асрларда бино қилинган 200га яқин мадрасаларда ўз даврида минглаб толиби илмлар диний ва дунёвий билимларни олиб, бутун Ўрта Осиё бўйлаб зиё тарқатганлар. Мирзо Улуғбек томонидан Бухорода чорсу майдонида қурдирилган мадраса дарвозасида ҳатто арабча «Илм олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркагининг бурчидир» деган сўзларнинг ўйиб ёзилиши, ўрта асрларда, айниқса темурийлар ҳукмронлик қилган даврда илм ва маърифатга бўлган ижобий муносабатнинг ёрқин далилидир.

Хулласи калом, ҳозирги кунда Бухоро ерларида етиштирилаётган турли-туман деҳқончилик маҳсулотларининг баракоти, бу вилоят қаъридан қазиб олинаётган олтин ва бошқа хил қимматбаҳо маъдан ва газлар киши хаёлидан ўтар экан, қадимги қўҳна шаҳар ҳамда шу номдаги вилоятнинг «Бухоро» яъни «Тангри жамоли» ёки «Табиат жилоси» деб номланиши бу ўлканинг бой табиатига нақадар ҳамоҳанг ва монанд бўлиб, унга бу сифат нақадар донолик билан берилгани кишини қойил қолдиради. Ўйлаймизки, Бухоронинг ер суви, табиий бойликларию меъморий обидалари туман, шаҳар, гузар ва кўчалари, вилоят қишлоқлари ҳамда анҳор каналларнинг қўҳна маҳаллий номлари тарихни ўрганишда нодир манба бўлиб, уларни ҳуда беҳудага ўзгартирмасдан ва бузиб талқин қилмай эҳтиёт қилиб, авлодларга етказиш аввалгидек бухороликларнинг, қолаверса юрагида ўти бор ватанпарвар ҳар бир кимсанинг шарафли бурчидир.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзР ФА мухбир аъзоси.

«ИТТИФОҚ» ХАЛҚАСИНИНГ СИРИ

Журналист муносабати

Собиқ империянинг темир панжарали қўрғони дарз кетиб, халқлар ўз ерларига ўзлари эгалик қила бошлаганларидан кейин ҳамма табиий равишда янги уй қуриш ташвишига тушиб қолди. Пойдевор ўрнатиб, пахса уриш билан янги уй қурилиб қолмайди. Унга бир эмас, бир нечта устун керак. Бу устунлар мустаҳкам бўлиши учун уларни дарахт ҳолида ҳовлида авайлаб ўстириш зарур. Эрк ва озодликка чиққан халқлар ана шу ниятда ўз ҳовлиларига устун бўладиган дарахт кўчатларини ўтқазишди.

Албатта, дарахт кўчати ўтқазиш бошқа-ю, уни устунбоп қилиб ўстириш бошқа. Сал масъулият ва ҳушёрлик унутилдими, уни нобуд қилишади ёки унга қурт тушади. Бундай дарахт янги уй қуриш учун устунликка ярамайди. Белорусь биродарларимизнинг ҳовлисида шундай бўлди. Қаровсизлик ва масъулиятсизлик оқибатида мўрт бўлиб қолган дарахтларга қурт тушди. Пойдевори ўрнатилиб, девори қад кўтарган уй энди устунсиз қоладиган бўлди. Оила бошлиғи яна темир панжарали қўрғонга қайтиш ниятида. Бироқ фарзандлар турлича фикрда. Чала қолган қурилишни битказиб ўз уйимизда эгалик қилайлик дейдиганлари ҳам бор, жон қойитмай темир қўрғонда берса еб, урса чидаб яшайверайлик дейдиганлари ҳам бор. Оилада муросаю-мадора йўқ. Манзара тўзиган ари инисини эслатади.

Шубҳасиз, орамизда биров уй қурадими, дарахт ўстирадими, темир қўрғонга қайтадими ёки йўқми, бизнинг нима ишимиз бор, билганини қилмайдими, дегувчилар бўлиши мумкин. Маъзур тутасиз, бу узоқни кўрабилмаслик. Темир қўрғоннинг шундай сир-асрорлари борки, бу ерда ишлаб чиқиладиган макр-ҳийлалар олдида манман деган сеҳргарлар ҳам лол қолишади. Кейинги пайтда Минск ана шундай макр-ҳийлаларни тарғиб қиладиган марказ, собиқ империя азадорлари бир-бирларига ҳамдардлик билдирадиган «муқаддас жой», Россия коммунистларининг доҳийлари иззат-икром билан кутиб олинадиган шаҳар бўлиб қолганлигини унутмаслик керак. Ана шундай сиёсий кучлар белорусь биродарларнинг ҳовлисида ўсаётган дарахтларгина мўрт бўлишини эмас, балки ўз ерларида янги уй қураётган бошқа халқлар ўстираётган дарахтлар ҳам устунликка ярамай қолишини хоҳлашади. Улар ҳаммани яна темир панжарали қўрғонга қайтариш ва бу қўрғонни аввалги ҳолида қайта тиклаш учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдилар. Шунинг учун бизнинг сиёсий қарашларимизни ҳушёрликка даъват ўрнида қабул қиласизлар деган фикрдамиз.

ҚАДАҲ КАЙФИ ВА КАЛТАК ЗАРБИ

Биласиз, шу йил 2 апрель куни Москвада бир «тарихий» воқеа юз берди. Россия билан Белоруснинг битта иттифоққа бирлашишига бағишланган тантана ва ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Оммавий ахборот воситалари буни «никоҳ» маросими деб таърифлашди. Эҳтимол бу ўхшатиш тўғридир. Бироқ «қудалар»дан бири қариндош-уруғларнинг розилигини олмаганлиги учун тўй азага айланиб кетишига сал қолди.

Олдин тўй хурсандчилиги кўзкўз қилинган хонадонга ташриф буюрайлик. Москва. Катта Кремль саройининг ҳашаматли Владимир зали. Тантана бошланишига яна бир неча дақиқа бор. Зални тўлдириб ўтирган байрам либосидаги меҳмонларга нигоҳ ташлайсиз. Таниш чеҳралар. Бироқ табассумларида табиийлик йўқ. Зюганов билан Лукиннинг, Рибкин билан Рижковнинг, Лужков билан Жириновскийнинг ёнма-ён ўтириб, бир-бирларига илжайиб пичирпичир қилишларини кўрган «овом» сиёсатчи «ё, тавба, коммунистлар билан демократлар дарров апоқ-чапоқ бўлиб қолишибдими» деб ҳайратланиши аниқ. Бунга ҳечам ажабланмаслик керак. Улар фақат мансаб учунгина бир-бирларига тош отишади. Бошқа масалада мақсадлари бир. Баъзан эса вазият тақозосига кўра никобни йиртишга мажбур бўлиб қолишади. Бугун шундай кун. Ахир иттифоқни тиклаш йўлида қўйилган дастлабки қадамни ниқоб билан нишонлаб бўладими?!

Айниқса, жаноб Жириновский қувонганидан ўзини қўйишга жой тополмайди. Ҳазил-мутойибаси ҳам чакки эмас, атрофдагиларни бир нималар деб кулдиради. Шу пайт залга Чубайс кириб келади. Ҳамма ҳозир Жириновскийнинг афти буришади деб ўйлайди. Чунки, Владимир Вольфович сиёсат оламига кириб келибдики, Чубайсни «Матросская тишина» ёки «Лефортово»да чиритишни орзу қилади. Унинг ташаббуси билан Чубайсни муҳокама қилиш Дума мажлисларида анъанага айланиб қолган. Йўқ, бу сафар ҳеч ким кутмаган ҳолат юз беради. Жириновский Чубайсни кўриши билан қабоқ дабдурустдан ўрнидан туриб кетади ва унга пешвоз чиқиб мулозимат кўрсатади: «Анатолий Борисович, мана бу жой сизга аталган, марҳамат, ўтиринг!» Чубайс бундай илтифотга аҳамият бермайди. Негаки, эртагаёқ Владимир Вольфовичнинг «тутқаноқ» касаллиги яна хуруж қилишини билади.

Залда тантанали марш садолари янграйди. Иккита давлат битта иттифоққа бирлашганлиги ҳақидаги ҳужжатлар имзоланади. Шу пайт Жириновскийнинг жарангдор буйруғи эшитилади: «Ўрнингиздан туринг!» Ҳамма ўрнидан туради. Қарсаклар мусиқа оҳанглари билан уйғунлашиб кетади. «Ўртоқлар, — дейди Геннадий Зюганов қувончини яширолмай, — биз яна Иттифоқда яшаяпмиз, табриклайман ҳаммангизни!». Овозлар эшитилади: «Қадаҳлар келтирилсин! Қадаҳлар келтирилсин!». Гимн қадолари остида залга патнис кўтарган официантлар кириб келишади. Кутилмаганда улардан бири силлиқ паркетга тойиб йиқилади. Қимматбаҳо қандиллар чил-чил бўлади, вино одамларнинг юзига сачрайди. Официант қўрқувдан ва ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўяди. Яна вазиятни Жириновский юмшатади. «Яхшиликка бўлсин! Яхшиликка бўлсин!» дея хитоб қилади Владимир Вольфович. Залда мусиқа авжига чиқади. Қадаҳлар оқими тўхтамайди. Сал кайфи ошиб қолганлар «яхшиликка бўлсин» деб бўшаган қандилларни ерга уриб синдиришади. Хуллас, Москвада тўй!

Аммо худди шу куни, шу соат ва шу дақиқаларда Минскда калтак зарбидан одамларнинг боши ёрилиб, тўй азага айланиб бораётган эди. Халқ фронти ва Бирлашган фуқаролар партияси фаоллари, социал-демократлар, Ватан мустақиллигини муқаддас деб билган бошқа сиёсий гуруҳлар даъвати билан кўчага чиққан 5 минг кишилик тўлқин Горький номли паркдан Опера театри олдидаги майдон томон борарди. Намойишчиларнинг бошқа бир тўлқини Россиянинг Минскдаги элчихонаси олдида тўпланди. Бунда таёқлар билан қуролланиб олган ёшлар «Яшасин Белорусь!», «Белорусдан қўлингни торт!», «Мустақиллик!» деб тинимсиз ҳайқиришар, оломон уларни қўлдан-қўлватлар эди. Намойишчилар тарқалавермагач, кечга яқин ОМОНчилар уларга қарши ташланди. Ур-сур бошланди. Кўздан ёш оқизадиган газ ишлатилди. Одамлар бир чеккадан дўппосланди. Юзлаб одамнинг боши ёрилиб, кўзлари кўкарди. Боши айланиб, юраги хуруж қилиб беҳуш бўлиб қолганларнинг эса саноғи йўқ. Калтакланганларнинг қочолмай қолганлари милиция машиналарида олиб кетилди. Уларнинг орасида кўплаб таниқли зиёлилар — журналистлар, шоирлар, киночилар бор эди. Хуллас, Москвада бошланган тўй Минскда азага айланишига оз қолди.

Чунки, «қудалар» халқнинг розилигини олмай ишни ҳом қилишган эди. Бундай шошма-шошарликни нафақат Белоруссиянинг зиёлилари, балки Россия маданиятининг таниқли арбоблари ҳам қоралашди. Григорий Явлинский, Егор Гайдар, Валерия Новодворская сингари сиёсатчилар эса жиддий баёнотлар билан чиқишди. Умуман, турли ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сўровлар ҳамда тадқиқотларга қараганда Россия аҳолиси ўртасида ҳам бундай иттифоққа қизиқиш жуда суст. Тўғриси, уларни ҳозир иттифоқ эмас, ўтган йилги иш ҳақи қачон берилиши қизиқтираяпти.

ЁМОН АРАВА ЙЎЛ БУЗАР

Ишончим комилки, агар Алес Адамович ҳозир тирик бўлганида Москва билан Минск ўртасидаги никоҳ маросимининг бемаънилигига дош беролмай ҳаётдан кўз юмган бўларди. У бу дунёдаги Белорусь давлатини мустақил ва мағрур кўриб мамнун ҳолда кетди. Адамович миллатини ва Ватанини мағрур ҳолда кўриш учун озмунча курашмади. Озодлик шабадаси эсган 1988-1991 йилларни эсланг. У демократия ва мустақиллик учун курашнинг олдинги сафида борди. Катта анжуманларда минбардан тушмади, митинг ва намойишларда озодлик учун курашчиларнинг олдинги сафида бўлди. У фақат белорусь халқини эмас, балки собиқ империя сиртмоғида бўлган бошқа халқларни ҳам озод ва эркин кўришни истаган эди. Ана шу истак йўлида соғлигини йўқотди ва халқларни озод кўриб дунёдан армонсиз кетди. Бугун унинг юрти ихтиёрий равишда яна сиртмоққа қайтиш йўлини танлади. Бир ҳисобда у бундай шармандаликни кўрмай кетгани яхши бўлди.

Бироқ ҳозир буни кўриб турганлар оз эмас. Белорусь зиёлилари гангиб қолишган. Эс-ҳушларини йиғиб фикр айтайин, халққа мурожаат қилайин, мудҳиш ҳатонинг олдини олайин дейишса, ўз юртларида газетага, радиога, телевидениега, минбарга йўл топишолмайди. Улар ўчун ҳаммаёқда қизил чироқ. Ватан мустақиллиги ҳамда озодлиги учун курашган асл ва азиз инсонлардан бири — Васил Биков яқинда «Аргументы и факты»га йўл топибди. Дарди ичида. Ватанимда бегонаман, ҳатто кўчада ҳам эркин юролмайман, доим назоратдаман, ёзувчи сифатида мени босмай қўйишди, дейди у. Унинг фикрича, Белорусдаги ҳозирги аҳвол, янги иттифоқ ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди.

Ер юзидаги барча давлатларда Ватан ва миллат мустақиллиги учун курашганлар, бу курашнинг бошида турганлар ёки эркозодликка раҳнамолик қилганлар халқнинг асл фарзандлари сифатида улуғланадилар. Биз ўзбеклар Ислом Каримовни истиқлолга раҳбарлик ва раҳнамолик қилган инсон сифатида эъзозлаймиз. Худди шунингдек, Станислав Шушкевич белорусь халқи учун озодлик ва мустақил ривожланиш йўлини танлаган инсон. У ҳозир қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар, тарихда барибир мустақил Белорусь давлатининг биринчи раҳбари бўлиб қолади. Бироқ айни пайтда Шушкевич таъқиб ва таҳқир остида. У имзо чеккан Беловеж шартномаси, сўзсиз, Россия ва Украина қатори Белорусь давлати манфаатига ҳам хизмат қилди. Унда нега Шушкевич таъқиб остида дерсиз? Айби шуки, Ватан ва миллат мустақиллигини сақлаб қолиш тарафдори. Нима, у босқинчиларга қарши курашаяптими? Йўқ, у хиёнатга қарши курашаяпти. Ғаразли мақсадни кўзлаган ташқи сиёсий кучлар бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам белорусь халқини бир-бирига қарши иккита гуруҳга бўлиб қўйди. Энг катта фожиа шу. Бундай «тажриба» кўп жойда синовдан ўтган.

Александр Лукашенко ўз вақтида мустақилликка ва Беловеж шартномасига қарши овоз берган депутат. Унинг ҳокимият тепасига келишидан халқ аввало иқтисодий ўзгаришлар бўлишини кутганди. Бироқ амалда асосий эътибор сиёсатга ва сиёсий тузумни ўзгартиришга қаратилди. Парчаланиб кетишига қарши якка ўзи овоз берган ва беш йилдан бери қайта тикланишини орзу қилаётган собиқ империяни қўмсаб оромини йўқотди. Айтиш мумкинки, ўзининг бутун фаолиятини ана шу мақсадга йўналтирди. Шу орада иқтисодий инқироз кучайиб, мамлакат қарзга ботиб қолди. Бироқ бунга парво қилмади. «Катта ога» битта қардошлик «буса»сидан кейиноқ қарзни кечиб юборди. Одамлар яна бир йил иш ҳақи олмаса нима қилибди, энг муҳими сахийлик эвазига собиқ империяни қайта тиклаш учун йўл очилади. Бу келажакда яна ҳом ашё минтақаларини назорат остига олиш, сифатсиз молларни сотиш учун бозорлар топиш, мустақил давлатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқариб ва йўналтириб туриш, ҳарбий ва сиёсий интеграцияни кучайтириш баҳонасида давлатлар устидан назорат ўрнатиш жиловини қўлга олиш демакдир. Бунинг учун бекорга Минск танланмаган. Киев ишончни оқламади, Москва эса ҳадикни кучайтириб юборади. Бунинг устига Лукашенко собиқ иттифоқни тиклашга ўзини бахшида этганлиги айни муддао бўлди. Бундай одамга қарз демай сўраганини берсанг арзийди.

Биров дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтиб бераман, деган экан. Александр Лукашенконинг асл дўстлари фақат Россиянинг ҳукумат доираларида десангиз хато қиласиз. Геннадий Зюганов, Егор Лигачёв, Альберт Макашов, Владимир Жириновский, Александр Лебедь, Олег Шенин сингари сиёсий арболбар тез-тез Минскка ташриф буюриб туришларининг боиси шундаки, улар Лукашенко билан бирга ширин орзулар оғушида собиқ СССРни қайта тиклашнинг имкониятлари ва режалари устида бош қотиришади.

Бу тахмин эмас, амалдаги гап. Бундан бир ой олдин Александр Гиргорьевичнинг иштироки ва раҳнамолиги остида Минск шаҳрида СССР халқларининг III Конресси ўтказилди. Бу анжуман «Совет Иттифоқи — ҳаммамизнинг ватанимиз» деган шиор остида ўтди. Унда Александр Лукашенко «оташин» нутқ сўзлади. Эътибор беринг: бу анжуманнинг раҳнамоси Белоруссия Компартияси эмас, мамлакат Президенти. Белоруссия коммунистлари мустақиллик тарафдори.

Кимда-ким бу ҳужакўрсинга ўтказилган бир йиғилишдир-да, деса хато қилади. Унда аксарият мустақил давлатлардан делегатлар қатнашган. Эҳтимол Ўзбекистондан миллатининг тайини йўқ бирорта аразчими ёки ғаразчими боргандир. Бироқ Қирғизистон билан Тожикистондан кўп кишилик делегация қатнашганлиги аниқ. Жириновский тоифасидаги сиёсий авантюристлар анжуманда «Совет Иттифоқи Белоруссияда барҳам топган эди, энди уни шу ернинг ўзида тиклаймиз» деб бақириб-чақиришган.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Минск мустақил давлатлар дахлсизлигига хавф туғдирадиган бузғунчилик марказига айланиб бораяпти. Бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам бундан кейин Минскда туғиладиган ҳар қандай таҳдид мустақилликка ва Беловеж шартномасига қарши овоз берган депутат. Унинг ҳокимият тепасига келишидан халқ аввало иқтисодий ўзгаришлар бўлишини кутганди. Бироқ амалда асосий эътибор сиёсатга ва сиёсий тузумни ўзгартиришга қаратилди. Парчаланиб кетишига қарши якка ўзи овоз берган ва беш йилдан бери қайта тикланишини орзу қилаётган собиқ империяни қўмсаб оромини йўқотди. Айтиш мумкинки, ўзининг бутун фаолиятини ана шу мақсадга йўналтирди. Шу орада иқтисодий инқироз кучайиб, мамлакат қарзга ботиб қолди. Бироқ бунга парво қилмади. «Катта ога» битта қардошлик ҳисобланишар экан. Худди собиқ СССРдагидек. Олий Кенгаш Иттифоқ фуқароларининг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига дахлдор вазифаларни ҳам кўриб чиқади. Шунингдек, мудофаа, чегараларни қўриқлаш, ҳарбий қурилиш, хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳам асосий ҳақ-ҳуқуқ ва ваколат Иттифоқ Олий Кенгаши Раисига берилади. Давлатлардан бирининг Президенти икки йиллик муддатга Иттифоқ Олий Кенгаши Раислигига сайланди дейлик. Унда иккинчи Президентнинг Конституцияда ёзилган юқоридаги ваколатлари нима бўлади? Эҳтимол Устав асосида давлатларнинг Конституциялари қайта кўриб чиқилар? Демак, Устав кучга кирганидан кейин давлатларнинг амалдаги қомуслари яроқсиз бўлиб қолади.

Мутахассисларнинг фикрича, битта бюджети, битта пул бирлиги, битта фуқаролиги бор иккита давлат бўлиши мумкин эмас. Агар шундай бўлса, бири иккинчисига Федерация субъекти бўлиб киришга мажбур. Битта бюджет ва битта пул бирлиги шароитида давлатнинг иқтисодий ҳамда сиёсий мустақиллигини, умуман, дахлсизлигини таъминлаб бўлмайди. Кузатувчилар Белоруссия Россия таркибига федерация субъекти бўлиб кирса керак, деб тахмин қилишяпти. Бу Беловеж ҳаҳдномасига қарши овоз берган раҳбарнинг хоҳиш-иродасига мос бўлиб тушади. Уставни эса йўл-йўлакай ўзгартириш мумкин.

Шу йил май ойида ҳар иккала давлат парламентлари президентлар имзолаган ҳужжатларни ратификация қилишлари керак. Менимча, бу жараён жиддий тўсиқларга учрамайди. Россияда Давлат думасининг таркиби маълум: асосан коммунистлар билан либерал-демократлардан иборат. Иттифоққа асос солинди, деб улар икки ҳафтадан бери байрам қилишяпти. Парламентнинг юқори палатасида ҳам аҳвол деярли шундай: овоз беришда тарозининг палласини партбилетдан воз кечмаган «қизил» губернаторлар салмоғи босиб кетади. Белоруссия парламентининг бугунги аҳволи ҳақида гапиришнинг ўзи ноқулай. Халқ сайлаган қонуний парламент Россиядаги империяпараст кучларнинг ҳийлаю-найранглари ёрдамида Лукашенко томонидан тарқатиб юборилди. Эрталаб иш хонасига кирмоқчи бўлган парламент раиси Семён Шарецкийни милиция ходимлари ёқасидан ушлаб кўчага улоқтириб ташлашди. Ҳозир Минскда Президент буйруғи билан тайинланган парламент ишлаб турибди. Ратификация пайтида «Белорусь ва Россия Иттифоқи»га битта ҳам депутат қарши овоз бермаслигига ҳамма ишонади.

Хўш, бу иттифоққа Россиянинг ўзида ва МДҲга аъзо бўлган бошқа давлатларда муносабат қандай?! Юқорида айтганимиздек, коммунистлар, либерал-демократлар, миллатчилар, собиқ империяни тиклаш илинжида юрган шовинистик кайфиятдаги бошқа сиёсий кучлар буни қўшқўллаб маъқуллашяпти. Бироқ холисона ва зийраклик билан муносабат билдираётган сиёсатчилар ҳам кўп. Жумладан, Григорий Явлинский бу Иттифоқни иқтисодий ва сиёсий оқибатлари инобатга олинмаган авантюра, деди. Давлат думаси раисининг ўринбосари Александр Шохин «Иттифоқ» деб номланган мавҳум уюшма, деб атади. Марказий банк раиси Дубинин мухбирлар билан суҳбатда шундай деди: «Битта давлатда иккита президентнинг бўлиши жуда қийин бўлса керак». Машҳур публицист Отто Лацис «Известия»даги чиқишларида Уставнинг ҳуқуқий жиҳатдан асоссизлигини исботлаб берди. Умуман, У «Белорусь ва Россия Иттифоқи»га ўз муносабатини билдирар экан, қуйидаги хулосага келади: «Давлатларнинг қўшилиши қийин ва бизнинг асримизда ҳам кам учрайдиган ҳолат — кўпроқ парчаланиб кетишади. Мустаҳкам қўшилишга фақат битта усул билан эришилади: олдин сиёсий амалиёт ҳамда қонунчилик бир-бирига яқинлаштирилади.

Сўнгра бу шартнома билан расмийлаштирилади. Олдин ҳаёт —кейин қоғоз. Бизда эса бутунлай тескариси: икки давлатнинг қонунчилик ҳамда сиёсий ҳаёт меъёрлари ўртасида катта фарқ бўлишига қарамасдан Иттифоқ боғламоқчи бўламиз. Бу қуруқ чапак чалишдир».

МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг муносабати эса турлича. Аксарияти «охирини кутайликчи, нима бўлар экан..» деган фикрда очиқ муносабат билдирмади. Иккитаси мужмалроқ иборада маъқуллагандай бўлди. Имомали Раҳмонов очиқчасига бир томонлама маъқуллади ва МДҲга аъзо давлатлар қачонлардир шу Иттифоққа киради, деб умид қилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Москвада эканлигидаёқ, бизни яна Иттифоққа тортишнинг кераги йўқ, деди. Умуман, Ҳамдўстлик ишлаб турган экан, федерация ҳақида ҳам, конфедерация ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас.

Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма Киевда ўтказилган матбуот конференциясида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида «Белорусь ва Россия Иттифоқи»га ўхшаган тизимларнинг тузилишини қаттиқ танқид қилар экан, Москвада имзоланган ҳужжатларга муносабат билдириб шундай деди: «Бу ғирт бемаънилик, бу МДҲни тарқалиб кетишга олиб борадиган йўл».

Шубҳасиз, янги Иттифоқ ғояси бу сиртмоқдан бошқа нарса эмас. Унга ихтиёрий равишда кириш ёки кирмаслик масаласини ҳар бир мустақил давлат ўзи ҳал қилади. Бироқ ихтиёрийлик ниқобидаги ҳийладан кўзланган асл мақсад ҳаммага маълум. Аммо ўз қадрини билган ҳеч бир халқ ихтиёрий равишда яна сиртмоққа киришга ҳеч қачон рози бўлмайди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

АРМИЯ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***БУХАРЕСТ**. Руминия мамлакат армиясини такомиллаштириш борасида Шарқий Европа мамлакатлари ичида «биринчи эшелон»да бормоқда.*

Ҳозирги кунда Руминия Американинг «Белл ҳеликоптер текстрон» фирмаси билан ҳамкорликда «Кобра» русумдаги жанговар вертолёт ишлаб чиқариш тўғрисида махсус лойиҳа тузган. Лойиҳа қиймати 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, Руминия билан Франциянинг «Матра» фирмаси ўртасида «Ер-ер» туркумидаги ракеталарни етказиб бериш тўғрисида ҳам шартнома имзоланган. Армияни замонавий электрон қурилмалар билан таъминлаш бўйича эса мамлакат Германиянинг «Даймлер-Бенц» ва Франциянинг «Томпсон» фирмалари билан ҳамкорлик қилмоқда.

ҲАРБИЙ СОҲА ИСЛОҲ ҚИЛИНМОҚДА

***ЖАКАРТА.** Филиппин ҳукумати мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳарбий соҳани ислоҳ этишга қарор қилди. Унга кўра, армия учун энг замонавий ҳарбий техника намуналари харид қилинади ва бунинг ҳисобига ҳарбий хизматчилар сони қисқартирилади.*

Ҳозирда Филиппин армиясида 120 минг ҳарбий хизматчи бор. Мутахассисларнинг фикрича, Жанубий-Шарқий Осиё минтақасидаги бошқа давлатларга нисбатан Филиппин қуролли кучларининг ҳарбий салоҳияти камроқдир. Филиппин ҳукумати билан АҚШ маъмурияти ўртасидаги махсус битимга мувофиқ, Америка Филиппин хавфсизлигини таъминлайди. Мамлакат қуролли кучларини замонавийлаштириш учун махсус лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш учун 12,7 миллиард доллар ажратилган.

ЭНГ РИВОЖЛАНГАН ТАРМОҚ

***ХЕЛЬСИНКИ.** Бугунги кунда Финляндияда телефон алоқаси анча ривожланган соҳалардан бири саналади. «Нокиа» русумидаги уяли телефон Финляндия аҳолисининг ҳар юз кишидан 30 нафарида бор. Бу жаҳон бўйича энг юқори кўрсаткичдир. Мисол учун Америка Қўшма Штатларида ҳар юз кишидан 17 кишида, Японияда эса, юзтадан 15 та, Буюк Британия ва Италияда ҳар юз кишининг ўнтасида уяли телефон бор.*

«МИНГ БИР КЕЧА» НЕМИС САҲНАСИДА

Ўзбекистон ва жаҳон

— Шу йилнинг март-ноябрь ойлари мобайнида Германияда Ўзбекистон маданият кунларини ўтказиш мўлжалланган, — дейди республика Маданият ишлари вазирлиги халқаро ишлар бўлими бошлиғи Ширин Каримова. — Илк сафар Бонн шаҳрида бўлди. Бизни Германияда жуда яхши кутиб олишди. Фольклор қўғирчоқ театрининг санъаткорлари 20 кун саҳнада немисча «сўзлашди», десам иншонаверинг. Жумладан, «Минг бир кеча» асари немис тилида актёрларимиз томонидан маҳорат билан ижро этилиши ўзига хос воқеа бўлди. Уч кунгача томоша зали лиқ тўлиб турди.

— ***Немислар ўйнаган қўғирчоқлар билан бизнинг театр томошалари ўртасида фарқ борми?***

— Ҳа, бироз ажралиб турадиган томонлари бор. Айтайлик уларда қўғирчоқ томошалари чоғроқ хоналарда, бир ёки икки киши томонидан кўрсатилар, қоларса, томошалар 30-40 дақиқадан ошмас экан. «Минг бир кеча» спектаклида эса Ҳабибулло Ҳакимов режиссёрлигида 8 киши томоша кўрсатди. Айниқса, Светлана Гласкова, Икром Ҳотамов, Дилшод Сотволдиевлар ижро этган роллар томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

— ***Демак қўғирчоқ томошаларимиз мезбонларга маъқул тушибди-да? Бундай сафарлар яна бўладими?***

— Яқин кунларда «Томоша» гуруҳи сафарга отланади. 28 апрелда эса таниқли санъаткорларимизнинг катта концерт билан чиқишларини уюштириш мўлжалланган. Биз санъаткорлар хорижий юртларда саҳнага чиқиб, томошабин билан мулоқотда бўлиб Ватанимиз, истиқлол ва халқимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни ўзига хос намойиш этиб, санъат бобида маҳорат кўрсатишни ният қилганмиз.

Суҳбатдош: Фотима ЖУМАЕВА.



СУРАТЛАРДА: Шимолий Корея пойтахти Пхеньян шаҳри кўринишлари.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

«ЎЛГАН ҚИЗ»НИНГ ЎЛИМИ

Тақдир ҳазили

Ҳамманинг ҳам гоҳида кўнглидан ўтган воқеа бўлади.

Уйлаган ишимиз рўёга айланади. Яхши истакларимиз бўлса бир хурсандчиликка ўни қўшилади. Ҳаётда эса ҳаммаси силлиққина кетавермайди. Фожиали ҳодисаларниям инсон баъзида олдиндан ҳис этади. Тақдирнинг шундай шумликларини «пешонадаги қўрғулик»ка йўйиб қўямиз. Бундан бошқа илож ҳам йўқ-да.

Иллинойс штатида рўй берган бу ғалати воқеани очиғи, нима деб изоҳлаш ҳам қийин. Ғарбий чикаголик Алейся Андерсонинг қисматини одамлар «ўлган қиз»нинг ўлими дея шовшув қилишди.

Эндигина 16 ёшга кирган Алейся ўрта мактабда ўқирди. У мактабда саҳналаштирилган спектаклдаги драмали саҳнада маст ҳайдовчининг айби билан ҳалокатга учраган қиз ролини ўйнади. У ролни шу қадар таъсирчан ўйнадики, томошабинлар бундан ҳатто қаттиқ ҳаяжонга тушишди. «Келажакда зўр актриса бўлади! Истеъдоди бор!» деди баъзилар. Шундан сўнг уни қурганда худди ҳақиқатан «ўлган қиз» тирилгандек қарайдиган бўлишди. Шундай гап бор-ку, яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришта омин дейди.

Шунданми яхши ният қилишга ўрганганмиз. Алейсяни машҳур қилган роли уни фалокат сари етаклади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, орадан уч ҳафта ўтгач у маст ҳолатда машина ҳайдаб келаётган Айвэн Моралеснинг қурбонига айланди.

Айтишларича, Алейся ўлимини олдиндан сезган экан. Ўша машъум куни у ҳеч ким билан очилиб гаплашмабди. Полициячининг таъкидлашича, Алейся энагаси Хизер Уилкенинг билан чорраҳани кесиб ўтаётганда ҳалокатга учраган. Энагаси ва қиз шу заҳоти жон берган.

Алейся яқин дугонасининг автомобидь ҳалокатидан оламдан ўтгач, маст ҳайдовчиларни жуда ёмон кўриб қолган экан, у шундай ўлимдан қўрқардиям. Тақдири азал шумикин? Ё тақдирнинг шум ҳазилими?

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

САВОБГА ДАХЛДОРЛИК...

Одамлар орасида

Одатда биз қаламкашлар ким ҳақидадир мақола ёзишдан олдин, унинг эл орасида машҳурлиги, борингки, унвонларию орден-медаллари билан қизиқамиз. Эл ардоғидаги оддий одамлар эса, кўп ҳолларда назаримиздан четда қолади. Бугунги мақоламизга қаҳрамон танлар эканмиз, биз масалага айни шу нуқтаи назардан ёндашдик. Қаҳрамонимиз Ҳалима Абилқосимова — 36 йилдан буён банк соҳасида ишлаб келади. Маълумки, ҳисоб-китоб, бозор иқтисодиётининг мураккаб босқичлари, шароитлари, пул-кредит муомалалари билан боғлиқ бўлган бу мураккаб соҳанинг чинакам фидойисига айланиш учун инсон биринчи навбатда билимдон, ўз касбига садоқатли, тадбиркор ва эҳтиёткор, кези келганда қаттиққўл бўлиши керак.

Бугунги кунда республика «Пахта-банк»ининг Тўйтепа бўлимида бош мутахассис бўлиб фаолият кўрсатаётган Ҳалима опа 1961 йилда ҳисоб-кредит техникумининг давлат банки ҳисоби куллиётини муваффақиятли тугаллаб, илк иш фаолиятини Фарғона водийсида бошлаган. Эртанинг келажаги аниқ ҳисоб-китоблар, энг муҳими давр билан ҳамнафас бўлиб яшамоқдан иборат эканлигини ёш иқтисодчи ўшандаёқ англаб етган эди. Шу боисдан ҳам ўз устида тинмай ишлаб, Тошкент иқтисодиёт институтининг иқтисод ва кредит куллиётини ҳам тугаллашга улгурди. Энди унда ҳамма малака етарли бўлиб, фақат ўз билимини амалга жорий этиш қолганди, холос. Шунданми, 1985 йилдан 1996 йилгача Тўйтепа давлат банкида фаолият кўрсатган бўлса, иштиёқ билан, касбга меҳр-муҳаббат билан ёндашди. Ишни аввало оддий кассирликдан бошлади. Сўнгра ҳисобчи, 1967 йилдан кредит бўлимининг мутахассиси, 1974 йилдан 1985 йилгача давлат банки бошқарувчиси ўринбосари лавозимларида ишлаб, бой тажриба тўплади. Зеро, ҳар соҳада ўз муносиб ўрнини топа оладиган мутахассис даражасига етди.

1985 йилдан 1996 йилгача эса Тўйтепа давлат банкини бошқарди. Бу борада ундаги билим ва қобилият, раҳбарлик иқтидори ҳисоб-китоблар асосида аниқ фикрлай олиш қобилияти, узоқни кўра билиш ва энг асосийси замон билан собитқадамлиги жуда қўл келди. Шунданми, Ҳалима опа қайси вазифада ишламасин, ҳамиша ўз иқтидорини намойиш эта олди. Балки, кўп йиллар ўзи раҳбарлик қилган жамоанинг қўлга киритган ютуқлари, қутлуғ режалари, ойдин ниятлари, мустақил юртимиз камолоти йўлидаги хайрли қадамлари шундан-да нурлидир, натижалари салмоқлидир.

Ҳа, Ҳалима опа ҳаётдан ўз ўрнини топган бахти баркамол аёл. Ҳамиша юзларида нур, лабларидан табассум аримайдиган ораста ва ширинзабон бу аёл ҳақида кўп самимий фикрларни айтиш мумкин. Қаҳрамонимиз халқимизнинг «элинг билан тиллаш, ботир билан беллаш» — деган доно нақлига ҳамиша амал қилади. Шунинг учун ҳам у бозор иқтисодиёти, кредит тушунчалари пайдо бўла бошлаган илк лаҳзалардаёқ ғоят билимдонлик, эл ишига қуюнчаклик билан фаолият кўрсатиб, туманимиз равнақи йўлида савоб ишларга дахлдор бўлди.

Жамоа ҳужаликлари, йирик ташкилотларга қарз берар экан, мунтазам маблағнинг қандай ишларга сарф бўлаётганлиги билан қизиқади, уларни синчиклаб ўрганади. Опанинг қуюнчаклиги натижасида туманда жуда кўп қурилиш ишлари амалга оширилди. «Яхшидан боғ қолади», деганларидек яхшидан яхши ном, эзгу ишлар қолади халқига.

Кишига бундан ортиқ бахт, саодат бўлармикан дунёда?! Ҳамиша эл дарди билан ёниб яшайдиган Ҳалима опанинг кўзлари эса ҳаётга теранлик, янада улуғвор ишларга хайрихоҳлик ёғдуси билан боқмоқда.

Шунданми, Ҳалима опа Яратганга шукроналар айтиб, бекалик бахти, оналик саодати, аёллик латофати, ҳалол меҳнатлари эвазига яратилган насибаси бутунлик, қуту барокат билан яна ҳам савобли ишларга бел боғлаган.

Зотан, донишмандларимиз «оқила, тадбиркор бўлса ғар аёл, қўлдаги нинаси ёй уқи мисол», деган нақлни бежиз айтмаганлар.

Толиб ҲАКИМОВ,
Анора КАРИМОВА,
Ўрта Чирчиқ тумани.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 15-aprel, seshanba № 45 (22.129).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ғаффор ҲОТАМ

ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

(Романдан парча)

Куйишнинг интиҳоси кулга дўнмакдир,
Муҳаббатда менинг такрор кулим куйди.
Усмон Қўчқор.

Истеъдодли ёзувчи Ғаффор ҲОТАМнинг номини сиз, азиз газетхонларга таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

У етмишинчи йилларда ўзбек адабиётига кириб келган авлоднинг пешқадам вакилларидан биридир.

Сўз қудратига бўлган ишонч, унинг масъулиятини чуқур ҳис этиш ва инсон руҳиятини ўзгача оҳангда таҳлил қилиш — Ғаффор ҲОТАМ ижодининг асосий хусусиятларидан саналади.

Ёзувчининг — «Хат ташувчи бола»

— «Қайтиш»
— «Қудуқ тепасидаги ой»
— «Кунтуғмишнинг кулмаган бахти»
— «Кеча ва бугуннинг сабоқлари»
— «Биринчи муҳаббат қиссаси» каби китоблари аллақачон мухлислар кўнглидан муқим жой олган.

«Янги ой чиққан кеча» — ёзувчининг биринчи романидир.

Мазкур асар яқин ўтмишимизнинг асоратлари, ёришаётган ҳуррият тонги, шу аснодаги зиёлиларнинг кечинмалари, йўқотишлар ва умидлар ҳақидадир.

Асар «Ёшлик» журналининг 1997 йил 1-сонида тўла ҳолда ёритилмоқда.

1

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Футбол

Мини футболни мухлислар кичик тўп деб эъзозлашади. Футболнинг бу тури бўйича баҳслар кўпинча мавсумолди кезлари уюштирилади. Мақсад — жамоаларнинг миллий чемпионатга ҳозирлигини тобига етказиш. Бу йилдан бошлаб мамлакатда мини футбол қамровини янада кенгайтириш, аҳамиятини ошириш мақсадида мусобақаларни бир неча босқичда ўтказишга қарор қилинди.

Андижон шаҳрида мини футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун уюштирилган босқичда баҳслар муросасиз бўлди. Ўзига хос саралашда Андижоннинг «Турон», Самарқанднинг «Термо» Тошкентнинг «Кимёгар» ҳамда ПЖХ, Наманганнинг «Саноатчи» ва Сурхондарёнинг «Шеробод» жамоалари ўзаро курашдилар. Аслида дастлабки оммавий учрашувлар февраль ойининг охирларида Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтганди.

Андижондаги учрашувлар эса давлат тиллар олийгоҳи спорт залида уюштирилди. «Термо» футболчилари майдон эгаларига 0:3 ҳисобида бой беришди. Учинчи ўрин учун «Кимёгар» ва «Темирйўлчи» жамоалари курашдилар. Бу ўйинда 3:1 ҳисоби қайд қилинди. Мутахассислар энг кучли, энг чаққон ва моҳир футболчиларни аниқладилар. Жумладан, Равшан Ражабов энг яхши дарвозабон номини олган бўлса, Фурқат Қудратов энг яхши ҳимоячи деб аталди. Ҳужумчилар орасида Баҳодир Аҳмедовга ҳеч ким бас кела олмади. Шуҳрат Сайфуллаев энг зўр тўпурар, деб белгиланди. Мусобақа якунида ғолибларга эсдалик совғалари ва совринлар тақдим этилди.

Мини футбол бўйича якунловчи учрашувлар шу ойнинг иккинчи ярмида ўтказилади. Бу сафар Андижоннинг «Турон», Наманганнинг «Саноатчи», Жиззахнинг «Дўстлик», Самарқанднинг «Термо», Сурхондарёнинг «Шеробод», Учқудуқнинг «Лочин» ҳамда Хеванинг «Р. Мадаминов» жамоалари майдонга тушадилар. Ғолиб жамоа Марказий Осиё давлатлари биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини олади. Галдаги мусобақа эса тўрт босқичли бўлиб Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонда ўтади. Ўйлаймизки, мини футбол мусобақалари ажойиб ўринбосарларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб қолади.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

ЗЎРДАН ЗЎР ЧИҚАРМИКАН?

Ўзи шунақа бўлади, мавсум бошида ҳар бир жамоа пешқадамликка интилади. Юқори ўринларга кўтарилиб олгач, мутлақ илдамлаб, ягона пешқадам бўлиш учун зўр беради. Маълумки, бугунгача МҲСК, «Пахтакор», «Нефтчи» жамоалари ягона пешқадамликка даъвогар эдилар. Ҳар бир учрашувдан кейин бу жамоаларнинг ҳам нималарга қодир эканликлари ойдинлашиб бормоқда. Жумладан, пахтакорчиларнинг ўз майдонларида чемпион билан дуранг ўйнашлари, кейинги учрашувни «Насаф» майдонида ўтказиб (0:0), яна дуранг қилишлари имкониятларини зое кетишига сабаб бўлди.

Аммо «Нефтчи» бўш келмаяпти. Фарғоналиклар галдаги учрашувни «Трактор» майдонида ўтказиб, ўз ҳисобларига яна 3 очко ёзишди. Омад келса шундай бўларканда. Ўйин тугашига 5 дақиқа қолганда фарғоналиклар биргина тўп киритиб, ғалабага эришдилар. Армиячилар ҳозирча биринчи бўлиб туришибди. Уларнинг ҳисобида 21 очко бор. Навбатдаги учрашувда «Бухоро»ни қабул қилиб, дарвозага 4 та жавобсиз тўп киритишди. Шундай қилиб, «Нефтчи»да 19 та, «Пахтакор»да 17 та очко тўпланди. «Дўстлик» футболчилари ҳам мавқеларини мустаҳкамладилар. Улар «Чилонзор»ни қабул қилиб, бир тўп ҳисобида ғалабага эришдилар ва 16 очко билан тўртинчи бўлиб туришибди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Зарафшон» — «Янгиер» — 2:1, «Атласчи» — «Андижон» — 2:1, «Косонсой» — «Афросиёб» — 1:0, «Хоразм» —»Суғдиёна» — 1:0, «Навбаҳор» — «Сурхон» — 9:0. Жума-шанба кунлари 8-тур ўйинлари бўлади.Бу сафар пешқадамлар ўзаро учрашадилар. Жумладан, «Нефтчи» — МҲСК, «Пахтакор» — «Дўстлик» ўйинларида, мухлислар таъбири билан айтганда, зўрдан зўр чиқиши кутилмоқда.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0211

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ШАҲРИЗОДАНИНГ ТЎРТИНЧИ НАҚЛИ

Шундай қилиб, Ошиқ Ғариб ўша боғда савлат тўкиб тураверсин, энди гапни бу ёқдан эшитинг: феруза унинг қўлидан сирғалиб чиққач, бир ғарибона ҳовлига, бир уй, бир даҳлиздан иборат хонадоннинг супасига келиб тушибди. Бу уйда бир чолу кампир яшар экан, уларнинг Муштарий исмли ўғиллари бўлиб қўлидан бир иш келмаса-да, баланд мартабаларни ҳавас қилиб юрар экан. Муштарий қийналиб, дарсликларини қўлига олиб уйдан чиқса, бир нима кўзини қамаштирар эмиш, нима экан бу, деб қўлига олса, феруза экан.

Бу шунчаки тош эмас, унда бебаҳо ҳикмат яширин эканлигини у ферузани қўлига олган заҳотиёқ пайқабди, чунки бирдан ўзи бир бошқача бўлиб кетибди. Муштарийнинг синфида Феруза исмли қиз бўлиб, йигит шу сулувни ўзига соме ҳолда кўришни истар экан, ўша куни мактабга борса, ўзи хаёл қилганидек бўлибди: ҳамиша мағрур юрадиган қиз унинг истиқболига югуриб чиқибди...

Муштарийнинг бирдан-бир орзуси Ферузага уйланиш экан, чунки бу санамнинг тоғаси вазир бўлиб, у орқали катта амалга эришиш мумкин экан. Ниҳоят, йиллар ўтиб, шундай бўлибди ҳам. Энди у Феруза билан пойтахтда яшай бошлабди, Аспирантурага кириб номзодлик ишига қўл урибди. Аммо у ҳар қанча уринмасин, ишини силжита олмапти. Бундай ишларга Муштарийнинг сира уқуви йўқ экан-да. Лекин вазирга бориб, илмий ишни эплай олмаяпман, дейишга юзи бўлмапти. Бориб айтибдики, илмий раҳбарим жуда қаттиққўл. Қолаверса, ўзининг докторлик иши билан банд. Ўзингиз бир оғиз айтиб қўйсангиз...

Вазир сим қоққач, профессор, ҳа, дарвоқе у пайтда раҳбари профессор эмас, ҳали оддийгина фан номзоди экан, хуллас, у Муштарийни ёнига чақирибди-да, қўлига бир диплом ишини тутқазибди, шуни бош-энига пича қўшинг, юмалоқ ёстиқ қилинг, қолганини менга қўйиб беринг, депти.

Муштарийси тушмагур шуни ҳам эплай олмагач, тағин вазирга борибди, тоға, ўзингиз ҳимо бермасангиз, ишим чувалашиб кетаяпти, дебди.

Вазир сим қоққач, тағин раҳбари уни ёнига чақирибди, улуғларнинг илтимосини биз ерда қолдирмаймиз, опкелинг ҳалиги ишни, ўзим юмалоқ ёстиқ қилиб бераман, депти.

Шундай қилибди ҳам. Муштарий илмий ишини энди ҳимоя қилмоқчи бўлиб турганида вазир жиноят устида қўлга тушиб, чарх тескари айланиб кетибди. Раҳбари энди Муштарийни кўрса ҳам кўрмаганга оладиган одат чиқарибди, «фалончининг куёвига ўхшаган дардисарлар...» дейдиган бўлибди.

Муштарий ўйлаб-ўйлаб охири «фалончининг куёви» деган исноддан қутулмасам бўлмайдиганга ўхшайди, деган тўхтамга келибди. Ферузадан ажралиш билан иш битмайди, дебди у, унинг бўйида бор. Аввал боданн олдириш керак. Ана ундан кейин Ферузанинг жавобини бериш керак.

Шундай қилибди ҳам, лекин бари бир йўли очилмапти. Раҳбарининг олдига борса, у Муштарийни жеркиб ташлабди: — Сен жуда ҳам муттаҳам бола экансан. Илм оламида сенга ўхшаганларга ўрин йўқ.

Муштарий ҳаммасини тушуниб етибди.

— Домла, — дебди у, — мен Ошиқ Ғарибга ўхшаб кетингиздан сасийдиган шогирдларингиздан эмасман. Яхшилигингизни тоабад унутмайман. Тўрт хонали уйим бор. Ҳимоя қилган кунимоқ шуни сизга инъом этаман.

Раҳбар «хаёлинг жойига келди-ку, бола!» дегандек кўз остидан унга қарабди.

— Ошиқ Ғарибни ҳалиям эси кирмаптими?

2

— Ҳа. қизил профессор бўлмоқчи бу акам, дейди.

— Ҳар ким қилса ўзига қилади.

Раҳбар бошқа ҳеч нарса демапти. Лекин шундан кейин ҳам Муштарийга жоначир муомала қилмапти у. Ахийри Муштарий тушуниб етибдики, Ошиқ Ғарибни чаққан билан иш битмайди. Илмий раҳбарига гап ташийдиганлар усиз ҳам етарли. Агар ҳозир бир эвини қилиб, унинг кўнглини олмаса иши қийинчилик билан кўчади. Қандай қилиб бўлмасин, илмий ишини ҳимоя қилмаса дўсту ёрларининг қошида юзи шувит бўлади.

Бисотида бор-йўғи — ферузани олиб у илмий раҳбарининг ҳузурига борибди.

— Сизга бир ҳадя опкеддим, — депти у. — Бу шундай қимматбаҳо, ҳам бунинг устига сеҳрли тошки, уни қўлингизда тутиб нимани ният қилсангиз, шу юзага чиқади.

Илмий раҳбари сеҳрли тошни олиб қўлида айлантириб кўрибди. Феруза унга маъқул тушибди шекилли, ҳимояни кейинги ойдан қолдирмаслик лозимлиги ҳақида гап очибди...

ШАҲРИЗОДАНИНГ БЕШИНЧИ НАҚЛИ

Ошиқ Ғариб қизил профессор деса-да, у ҳали профессор эмас, оддийгина фан номзоди экан. Ферузани қўлга киритган кезлари кафедрадаги нуроний профессорга тирғалиб, ярим ҳазил, ярим чин тарзида «Сиз ҳам бир узлатга чекинмадингиз, биз ҳам профессор бўлмай ўтдик-да, бу дунёдан» деб юрган экан.

Ферузани қўлга киритган кунининг эртасига у профессорга тегдириб шундай ҳазил қилган экан, оқсоқол ўйланиб қолибди, сўнг бир вароқ қоғоз олибди-да, жаҳл билан ариза битибди, уни кафедра мудирига тутқазар экан «менинг ўрнимга шу одамни профессорликка тавсия қилинг, кейин ғуримга ғишт қалаб юрмасин яна. Аммо... «Бобур инқилобни кўра олмаган» деган гапини йиғиштирсин», дебди.

Ҳазил-ҳазил билан оқсоқол пенсияга чиқиб кетибди, унинг ўрнига фан номзоди бўлса-да, унинг номзоди кўрсатилибди.

Шундай қилиб, у профессор ҳам бўлибди.

Профессор неники истаса, рўёбга чиқар, атрофида талай шогирдлари гирдикапалак, фақат... Ошиқ Ғарибгагина бас кела олмас экан у. Шу боис тагдор ва маъноли қарайдиган бу шогирдининг ишини орқага ташлагани-ташлаган экан-у, бироқ ўзини кўрди дегунча ичи куйиб кетар экан.

Ошиқ Ғариб ўзидан кўра иқтидорли эканлигини ич-ичидан сезар экан. Илми зиёда эканлигига ҳам шубҳа қилмас экан, шунинг учун ҳам унга сира-сира йўл бергиси келмас экан. «Мен уни синдириб ташлайман», дер экан профессор, шу боис у ароққа берилган. Қачон қараманг, қийшайиб юради. Тағин атрофида уч-тўрт талаба. «Ахир уларнинг тарбиясини бузадику бу ярамас», деб йиғинларда топтар, яна шунча маломатдан кейин Ошиқ Ғариб дуч келса, ўзига ишончини йўқотмай тик қарашини; профессор бўлмаган маҳали ҳам атай профессор деб аташи, энди «қизил профессор» деган қичиги... унинг жон-понини чиқариб юборар эди.

Қани энди Ошиқ Ғарибни хору зор, чалпаги чиққанини кўрса.

Профессор узоқ ўйлабди, ахийри бир йўлини топибди. У келишган, қизларга ўч киши бўлганлиги учун ҳам сиртдан кўпчилик ўлгудек хотинбоз деб ҳисоблар экан. У қандай йўл билан бўлмасин, Ошиқ Ғарибнинг аёлини носоғга чиқариш керак, деган тўхтамга келибди. Бунинг учун эса, уникига бир кириб чиқиши кифоя экан. Бу ёғини илмоқли гаплар, қочиримлар билан...

Шундай қилиб, у Ошиқ Ғарибнинг уйига бостириб кирибди-да, Шоҳсанамга суйкалган бўлибди. Ғарчи қўлидан ҳеч иш келмаган бўлса-да, қайтиб кетаётган маҳали Ошиқ Ғариб уни кўриб қолибди. Профессор кейин ҳам ҳар гал уни кўрганида ўзини ғалати тутиб — мийиғида кулиб қўйибми ёки шошиб қолгандек ҳаракат қилибми — дилидаги шубҳа гумонни баттар оширибди. Шу тариқа Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанамнинг ажралиб кетишига сабабчи бўлибди ҳам.

Профессор кибр билан юргани учун одамлар у бунчалик тубанликка боради деб ўйламас экан-да.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

Мен кўзимни очганимда аллақачон тонг ёришган, кўёшнинг тафтсиз шуъалари деразага урилиб ўйнар эди.

Дилим ғаш.

Мен бу алпозда ортиқ ёта олмаслигимни ҳис этдим, секин ўрнимдан турдим-да, бориб ювиндим. Дераза ортида аллақандай қуш чуғурлар эди.

Дилтанг, кийиниб кўчага чиқдим.

Бошим айланиб, тоғга қандай бориб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Остини майса қоплаган дарахтлар сокин қад ростлаб турар, атроф-жавониб кимсасиз эди. Навжувон чинор олдида турган, қора кийган Шаҳризодани кўрган заҳотим юрагим увишди, халос бўлдим дея умид қилгач, балолар ҳали тарк этмаганини сезиб жоним ўртаниб кетди.

Шу тобда у билан сўзлашишга ҳам тоқат йўқ эди менда. Ҳамма балога фақат шу айбдор дея билардим. Энди ортимга қайтмоқчи бўлганимда у овоз берди: — Исмсиз!

Тўхтадим.

— Сизни кутиб ўтирган эдим.

Унга сари ўгирилдим. «Мени тинч қўйинг», дейишга чоғланган заҳотим: - Жудаям бағритош одам экансиз, — деб қолди у.

— Ким айтди сизга?

— Агар мен хоҳ шол, хоҳ у сўқир, хоҳ бир ногирон бўлсин, шунчалар интилиб яшаса, йўлларимга кўз тикса, мени кўриш унга шодлик ато этса, гарчи уни хушламасам-да, шундай қилишга тоқатим бўлмаса-да, бари бир, албатта борган, бир лаҳза бўлсин кўнглини овлаган, бахтнинг ўзи йўқ бўлган бу ғариб оламда бир зум бўлсин уни саодатманд этган бўлар эдим.

— Тушунмадим.

— Сиз эса ҳамма ёққа ўт қўйиб юбордингиз.

— Ҳа-а. Донолардан бири: мақсадга эришиш учун ҳар қандай ёвузлик ва шафқатсизлик қилиш мумкин, музаффарият ҳунрезликни ювиб кетади, — деган экан.

— Мен сиз билан хайрлашгани келдим, — деди у. — Кеча профессор катта бошини кичик қилиб ҳузуримга борган экан. Агар «йўқ» демасам, менга уйланмоқчи эмиш. Мен ундан бир нарсани ўтиниб сўрадим. Йўқ, ҳиммат қилди, — У қўлини олдинга чўзди, шунда мен кафтида жилоланиб турган ферузани кўрдим. У оёқостидаги ариқчадан чап кафтида сув олди ва аллақандай афсунгар дуоларни ўқигач, «агар одам бўлсанг аслингга қайт» дея сувни ферузага сепди. Кўз юмиб очгунча бўлмай ҳарир либосларга ўранган бир санам унинг қаршисида ҳозир бўлганини кўрдим. Кейин у яна ҳовучларини тўлдириб сув олди, тағин қандайдир дуоларни ўқиди ва сувни навжувон дарахтга сепди: «Агар одам бўлсанг, аслингга қайт!»

Мен афсонавий китобларда тасвирланган шоҳона либосдаги шаҳзодани кўргандай бўлдим.

— Шоҳсанам!

— Ошиқ Ғариб!

Улар гўё икки томчи кўз ёшидай бир-бирига сингиб кетишди. Шаҳризода ортиқ уларга эътибор бермай, дедики:

— Мен бугун бир ажиб туш кўрдим. Тушимда ерга минглаб юлдузлар тўкилди. Уларнинг ичида иккитаси жуда равшан жилоли эди. Келинг, энди хайрлашайлик. Одинцова Базаровни қандай ўпиб видолашган бўлса... — У қулиб манглайимга кафтини босди-да, ўзининг бармоқларидан ўпган бўлди. — Хайр...

Баногоҳ у кўздан йўқолди.

Бамисоли туш эди: хиёбон кимсасиз, ҳувиллаб ётар, лекин мен ўз кўзим билан кўрганларимни ҳам инкор қила олмас эдим...

4

Хотира азиздир

«КАМЧИЛИКЛАРИ» УЛУҒЛАГАН ИНСОН

Ўктам Жобиров... Бу инсон телеэкранда кўринмай қолганига 3 йил бўлди.

Ўктам Жобиров — машҳур диктор, сўз санъаткори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. У кишининг орамиздан кетганига уч йилча бўлиб қолди. Лекин ҳали ҳам унинг номини миллионлар ҳурмат билан тилга оладилар, «Ўктам ака яхши инсон эдилар»...

Шу яхши инсоннинг бир қатор камчиликлари бор эди. Ҳа, албатта, «беайб парвардигор» дейдилар. Ўктам аканинг биринчи камчилиги — ниҳоятда кўнгли юмшоқ одам эдилар. Рупараларида турган ким? Хоҳ шогирдлари-ю, хоҳ раҳбарлари бўлсин, суҳбатни у хоҳлаган мавзуда, у хоҳлаган йўсинда, асло озор бермасдан олиб борардилар. Уларнинг ҳузурларидан чиқиб қетганингиздан кейин, ўзингизни роса енгил ҳис қилардингиз. Ўктам ака раҳматлик, сизнинг ташвишларингизни ҳазм қилиб қолаверардилар. Бу кўнгли юмшоқликдан ҳар ким ўзича фойдаланарди: касбдошлари ўзича, раҳбарлар ўзича, оиласидагилар ўзича...

Иккинчи камчиликлари — бу олам камтаринлар камтарини эди. Бугунги куннинг бир қатор етук дикторлари у кишининг шогирдлари. Телевидениеда ҳам, радиода ҳам, институтда ҳам. Республика аҳамиятига молик юзлаб тадбирларда фаоллар фаоли бўлиб «хизмат ўтказиб» қўйган бу инсон ҳеч қачон гердаймасдилар.

Учинчи камчиликлари меҳнатсевар эдилар. Кунда иккита-учта курсатув олиб боришу, гувала қўйиб иморат солишдан тортиб, қариндош-уруғ, танишбилишларнинг хизматини қилишгача нолимасдан эплаб кетаверардилар. Баъзи бир мувозанатни йўқотган шогирду ҳамкасблар осонгина келиб, «илтимос» йўсинида ишларини буюриб кетаверарди. «Юринг, бир дам олиб келасиз» — деб ишонтириб олиб кетиб, уларнинг орқаларидан кимлардир ҳурмат топиб кетаверарди. Ўктам ака эса ҳеч чарчамасдилар.

Камчилик қидирсанг топилаверарди. Устознинг тўртинчи камчиликлари беминнат эдилар. Таъма нималигини билмасдилар. Одамлар фарзанд ўстириб, ҳурмат кутади, шогирд тарбиялаб иззат талаб қилади. «Шунча йил ишлаб қўйдим», «хизмат қилиб қўйганмиз» — деб кўкка сапчийди . Ўктам ака нимаси бор бўлса, шунга шукр қилиб юраверардилар.

Айтаверсам, гап кўп, камчилик сероб. Камчилик ҳам одамда туғма бўларкан-да. Ёмон одамни яхши қилиб бўлмайди. Яхшини минг йўлдан урсанг ҳам ёмон қила олмайсан. Камчиликсиз одам йўқ. Холисона айтганда Ўктам акани ана шу камчиликлари улуғлаб, севимли қилган.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИККАТИГА!

"ТОШШАҲАРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

сифатли автохизмат турларини

КЎРСАТАДИ.

Ҳар бир ҳайдовчининг иш стажи 5 йилдан зиёддир.

Автомобиллар техник жиҳатдан соз, ёнилғи билан тўла таъминланган, турли юкларни ташиш учун ихтисослашган.

Тошкент шаҳри бўйича бир кунда 100 километргача юрадиган битта автомашинанинг тарифлари қуйидагича:

"ГАЗ-24" "Пикап" юк машинаси — 2600 сўм;
"ГАЗ-52" бортли машина — 2800 сўм;
"ГАЗ-52" фургон (мебель ташиш учун) — 2900 сўм;
"УАЗ-452" — 2700 сўм;
"ГАЗ-53" "Б" самосвали — 3100 сўм;
"ММЗ-4502" самосвали — 3500 сўм;
"ГАЗ-53" бортли машина — 2900 сўм;
"ЗИЛ-138" бортли машина — 3100 сўм;
"ПАЗ-672" юк ва йўловчи ташиш — 3100;
Бир кунда 150 км.гача юрадиган битта енгил автомобилнинг тарифлари:
"Доган" — 2700 сўм;
"ГАЗ-24" — 2900 сўм;
Автобуслар:
"Икарус", "ЛАЗ", "ПАЗ" тарифлари шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида хизмат кўрсатиш тарифлари шартнома асосида.

Тўлов усули — турлича.

Бизнинг манзил: Қорасув-6 мавзеси,"Аэродромная" кўчаси, 5.
Телефонлар: 96-19-32, 65-32-03. Факс: 96-16-32.